



Убайдулла Уватов

*ХОРАЗМЛИК
БУЮК АЛЛОМА*

Маҳмуд аз-Замахшарий:
“Навобиғ ал-калим”

УБАЙДУЛЛА УВАТОВ

ХОРАЗМЛИК БУЮК АЛЛОМА

- ❖ Замахшарийнинг ҳаёт ва ижод йўли
- ❖ Даҳолар ва тадқиқотчилар аллома ҳақида
- ❖ Замахшарий: «Навобиг ал-калим»

4042

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI

ToshDO‘TAU

Axborot-resurs Markazi

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2006

Ушбу рисола 1075-1144-йилларда яшаб ижод этган хоразмлик буюк ватандошимиз, Маҳмуд аз-Замахшарий ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган бўлиб, аллома ҳақида қизиқарли маълумотларни ўзида жамлаган. Шунингдек, китобдан Замахшарийнинг «Навобиг ал калим» («Нозик иборалар») асари таржималари ҳам ўрин олгани миллий меросимиз ихлосмандлари учун муносиб совға бўлади, деб умид қиламиз.

Масъул муҳаррирлар:

Зоҳиджон ИСЛОМОВ,
филология фанлари доктори, профессор

Амирқул КАРИМОВ,
«Олтин мерос» халқаро хайрия
жамғармаси раиси

Тақризчи:

Аҳаджон ҲАСАНОВ,
тарих фанлари
доктори, профессор

***Ушбу рисола Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари
бўйича қўмита руҳсати билан Ўзбекистон Олий
ва ўрта-махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ
таълими вазирлиги кўмагида нашр этилди.***

ISBN 5-633-01927-X

© У.Уватов, «Хоразмлик буюк аллома»,
«Янги аср авлоди», 2006 й.



МУҚАДДИМА

МУҚАДДИМА

Бугунги кунда жаҳон сиёсий харитасидан Ўзбекистон деб ном олган мустақил юрт аҳли – биз ўзбекистонликлар том маънода бахтли-саодатли, толе-иқболи баланд бир халқ десак, ҳеч бир муболага бўлмайди. Чунончи, ҳар бир халқнинг, ҳар бир юртнинг қадр-қиймати, унинг башарият тарихида тутган ўрни ва мақоми жаҳон илм-фани ва маданияти ривожини, умумбашарий тамаддун ва тараққиётга қўшган ҳиссаси билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан қаралганда, бизнинг бой ва ибратларга тулиқ бир неча минг йиллик шонли тарихимиз, ўзига хос миллий қадриятларимиз, бетакрор илмий, маданий, маънавий меросга эга бўлган халқ эканлигимиз дунё миқёсида эътироф этилган. Айниқса, табаррук заминимиздан ўзларининг оламулмул аҳамиятга молик асарлари, абадий барҳаёт таълимотлари билан бутун дунёни лол қолдирган кўплаб буюк алломалар етишиб чиққанлиги бутун Магрибу Машириқда маълумдир. Қадимий қўлёзмалар ва биографик ва библиографик тарздаги қомусий асарларни варақлар эканмиз, бухорий, самарқандий, термизий, насафий, кеший, паздавий, хоразмий, шоший (тошқандий), фаргоний, марғилоний ва бошқа кўҳна шаҳарларимизга мансуб бўлган юзлаб, эҳтимол, минглаб олимларнинг исми шарифларини учратамизки, курраи заминнинг ҳеч бир гушасидан бунчалик кўп олиму фузалолар етишиб чиқмаган. Илму ирфон тараққиётига қўшган беназир ҳиссалари билан у зоти шарифлар азал-азалдан халқимизнинг шуҳратию доврuginи жумлаи жаҳонга дoston қилиб, дунё борича, то Қиёматгача бошимизни баланд кўтариб кетдилар. Шу боисдан ҳам, ер юзининг қай бурчагига бормайлик, биз Ўзбекистон аҳлига шундай буюк алломаларнинг ватандошлари, ворислари деб алоҳида ҳурмат-эътибор, камоли эҳтиром билан қарайдилар, гапнинг индаллоси, бизларга ҳавас қиладилар. Нозиктаъб, Қаҳрамон шоиримиз Эркин Воҳидовнинг:

Қийми борсам бошида дўппим, гоз юрарман гердайиб,
Олим ифра доғи кетган Ўзбекистон, ўзбегим! –

Фей ўқтам ва алоҳида фахру гурур билан ёзишига ҳам, эҳтимол, улар аллоларимиз ва мутафаккирларимизнинг буюк даҳоси замирида ёшириб, илҳом бахш этган бўлса ажаб эмас.

Мустақиллигимиз шарофати билан она тилимизда, лугат бойлигимизда «Ўзбекистон – буюк алломалар юрти» деган қутлуг, яна бир иборанинг пайдо бўлгани ҳам юқоридаги фикримизга ёрқин далилдир. Қисқа, лекин бир олам мазмун-моҳиятга эга бу елди бу ибора Хизр назар қилган жаннатмакон Ўзбекистони-мишар жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссаси нечоғли улкан бўлганини ёрқин мисолидир. Чунки «буюк алломалар юрти» деган лугатда фахрли ва шарафли мақомни дунёнинг камдан-кам мамлакатига шибатан айтмоқ мумкин.

Мисрида келганда, бу масаланинг яна бир муҳим жиҳатини таъкидлаш лозим. Гап шундаки, илмий-маънавий, диний мазмун-маъно таълимотлари билан жаҳоний эҳтиромга сазовор бўлган бу аллоларимиз нафақат бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган Бухоро, Самарқанд, Насаф (Қарши), Термиз, Хива, Шош (Тошкент), Кен (Шаҳрисабз), Марғилон каби «мўйсафид» шаҳарларимиздан, балки ватанимизнинг узоқ қишлоқларию кентларидан ҳам чиққанлигини айтиш лозим. Бу фикримизга ёрқин мисол сифатида кўзга, ўзига хос тарихга ва маданиятга эга бўлган Хоразмнинг чекка қишлоқларидан бири Замахшарда бундан роппароқ 910 йил аввал (1075 йилда) таваллуд топган хоразмлик буюк аллома Маҳмуд аз-Замахшарийни кўрсатиш мумкин.

Жисмоний ногиронлигига (бедаво илат туфайли ёшликдан бир оғди кесилган) қарамасдан хоразмлик бу ёшулли ўзининг бевшир ақл ваковати, юксак илмий салоҳияти ва фавқулудда улкан даҳоси билан, тиббир жоиз бўлса, бутун дунёни забт этиб қўйган аллоларидан бири саналади. Замондошлари томонидан аз-Замахшарий ҳаётлариغا берилган Устоз уд-дунё (Бутун дунёни устоз), Устоз ул-араб вал-ажам (Араблар ва гайри араблар устози), Фахру Хаворазм (Хоразмнинг фахри), Каъбат ул-ақиб (Адаб аҳли учун бамисоли Каъба), айниқса, Жоруллоҳ (Аллоҳнинг ҳушисси) каби ўта шарафли лақаблар дунёнинг бирон-то ҳам олимга насиб этмаганлиги эса буюк ватандошимизнинг шайдоар беқиёс обрў-эътибор, ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлган

улуғ бир сиймо бўлганини кўрсатади. Лекин бир қадар ҳижолатли бўлсада айтиши керакки, собиқ тузумнинг чиркин сиёсати туфайли халқимиз, кенг жамоатчилик Маҳмуд аз-Замахшарий ва у каби кўплаб буюк зотларнинг ҳаёти ва илмий-маънавий мерослари тугул уларнинг исми шарифларини ҳам аниқ билмасдилар, боболарининг қолдирган улкан меросларию ҳикматларидан бенасиб бўлиб келдилар.

Олис хорижда ардоқланган бу алломалар киндик қони томган ўз юртларида номаълуму нотаниш, беғонаю бечора эдилар. Ҳаёт фалсафаси қизиқ экан-да, бу зоти шарифларнинг ҳаёти ва мероси асрлар оша Мағрибда ҳам, Машириқда ҳам алоҳида қизиқиши ва изчиллик билан муттасил равишда ўрганилиб, уларнинг асарлари турли тилларга таржима қилиниб, илмий тадқиқотлар амалга оширилганлиги яхши маълум. Бошқача айтганда, улар жаҳон илму ирфон аҳлининг доимий эътиборида, энг муҳими тилида ва дилида бўлиб келдилар. Лекин ҳаётда АДОЛАТ, ҲАҚИ-ҚАТ деган буюк тушунчалар ҳам борки, уларнинг эртами, кечми қарор топишини ҳеч қандай қариши кучлар тўхтата олмайди. Яратганнинг инояти билан, ўтган аср 80-йилларининг охирларида Республикамизнинг биринчи раҳбари сифатида фаолият бошлаган Ислоҳ Абдуганиевич Каримовнинг жасорати, қатъияти, собитқадамлиги туфайли кўҳна тарихимиз, диний ва миллий қадриятларимиз, буюк алломаларимиз меросини тиклаш борасида салҳимизнинг қаддини шогдэй кутарган мунаввар кунлар келиб, ўша хайрли, том маънода тарихий ишларга тамал тоши қўйилди.

Ҳатимизнинг ибботи сифатида биргина мисол келтирамиз. 1990 йилда, ҳали етмиши йилдан ортиқ тарихимиз, улкан меросимиз ва муבורак динимизни поймол қилиб келган шўро мафкураси экинчиси қайраб, гуллаб-яшнаб турган бир пайтда» республикамиз раҳбарининг қўллаб-қувватлаши боис термизлик буюк муҳаддис имом Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий таваллудининг 1200 йиллиги юртимиз миқёсида кўплаб хорижлик олимлар иштирокида кенг кўламда нишонланган эди. Ислоҳ Каримов алломанинг юбилейи муносабати билан «Имом ат-Термизий мероси ва ҳозирги замон» мавзуда Тошкентда ўтказилган халқаро илмий анжуман қатнашчиларига юборган табригида: «Бугунги кунда имом ат-Термизийнинг маънавий мерослари нафақат аҳли дин орасида, балки дунёвий илм соҳиблари, кенг миқёсдаги аҳли

жасмоа орасида ҳам ўз қадрини топаётир. У кишининг шоҳ асарларидан «Ал-Жомий ас-саҳиҳ» китоби ҳозирга қадар ҳадис илмининг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Алломанинг асрлар давомида фозилу фузалоларга дастур бўлиб келган ақлу одоб, инсофу диёнат, адолату инсонпарварликни тарғиб этувчи гоялари сердолга давримизнинг мураккаб ва зиддиятли ахлоқий-маънавий масалаларини ҳал этишида замонавий аҳамият касб этади», — деб алоҳида таъкидлаган эдилар.

Яратганга беадад шукрлар бўлсинки, бу тарздаги муҳим ишлар, яъни тарихимиз, миллий ва диний қадриятларимиз, бой ва кўҳна маънавий меросимизга муносабат, айниқса, истиқлолга эришганимиздан кейин мантиқий изчиллик билан янада бардавом тус олиб, биринчи даражали ҳаётий масалалардан бирига айланди. Узоқ мозийда яшаб, ўлмас асарлар яратиб кетган буюк алломаларимизнинг ҳаёти ва ижодларини чуқур ўрганиб, улардан кенг халқ оммасини баҳраманд қилиш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бу борада салмоқли ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Мустақиллик йилларида рўёбга чиққан бу хайрли ва том маънодаги тарихий ишларнинг ҳаммаси Республика ҳукумати, Президентимиз Ислом Каримов собитқадамлик билан олиб бораётган доно ва халқчил сиёсатнинг самараси бўлиб, ўз мазмун-моҳияти жиҳатидан оламшумул аҳамиятга моликдир.

Азалдан умуминсоний қадриятлар, маънавият ва маърифатнинг мустаҳкам пойдевори саналган диний илмларга эътибор, Қуръони Каримнинг ўзбек тилида нашр этилиши, Жаноб пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадисларига оид китоблар ўзбек тилига таржима қилиниб, ижтимоий ва маънавий ҳаётимизга тобора сингиб бориши, мамлакатимиз пойтахти Тошкентда Ислом университетининг очилиши ва бу йўналишида амалга оширилган яна кўндан-кўн ишлар ҳар қандай таҳсинга сазовордир. Шулар билан бир қаторда, илм-фаннинг, айниқса, исломий илмларнинг равнақи йўлида оламшумул аҳамиятга эга бўлган асарлар яратиб кетган имом ал-Бухорий, Абу Исо ат-Термизий, Маҳмуд аз-Замахшарий, ал-Ҳаким ат-Термизий, Аҳмад ал-Фарғоний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Абу Мансур ал-Мотуридий, Бурҳониддин ал-Маргиноний, Абдулҳолиқ ал-Ғиждувоний каби алломалар, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Заҳриддин Муҳаммад Бо-

бур каби кўлаб буюк зотларнинг ҳаётлари ва фаолиятларини ўрганиш, уларнинг табаррук номларини абадийлаштириб, ўзлари муносиб тарихий мақомларини тиклашда диққатга сазовор ишлар амалга оширилди. «Нега биз мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб шу улуг аجدодларимизнинг табаррук номларини тиклашга киришдик?» – деб алоҳида таъкидлаб, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шундай жавоб беради: «Чунки бу буюк инсонларнинг азиз номлари, ўлмас мероси муқаддас динимиз билан чамбарчас боғланиб кетган. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Биз динимизни бу улуг номларсиз, бу улуг номларни эса динимизсиз тасаввур қила олмаймиз.

Биз бу мутафаккирларимизнинг қутлуг меросидан бутун халқимиз, жумладан, ёшларимизнинг ҳам баҳраманд бўлишига, уларнинг ана шундай маънавий муҳитда камол топишига, ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси, буюк гоёлари ёш авлод юрагидан ҳам жой олишига шароит яратмоқдамиз. Бошиқача айтганда, биз фарзандларимизни дунёвий илмлар билан бир қаторда имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўғитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз»¹.

Кўлаб алломаларимиз каби Маҳмуд аз-Замахишарий ҳазратларининг ҳаёти ва илмий-маънавий меросини ўрганиш ҳам мустақиллик йилларида бошланди. Жумладан, 1995 йилда Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан буюк аллома таваллудининг 920 йиллиги нишонланган эди. Шу муносабат билан аз-Замахишарий ҳақида бир қатор рисолалар, мақолалар нашр этилди. Бир нечта илмий тадқиқотлар амалга оширилиб, диссертациялар ҳимоя қилинди. Лекин бу ишларни олтимшига яқин муҳим асарлар яратган алломанинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганиш борасидаги дастлабки интилишлар дейиш мумкин.

Кенг халқ оммаси, айниқса, ёш авлод бу том маънода беназир ҳазратий Инсон ва ўз олдига қўйган мурод-мақсадига етишда афсонавий салоҳиятга эга бўлган буюк алломанинг ибратларга тўлиқ ҳаёт йўллари ва қолдирган бой илмий-маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ҳозирги давр учун ҳам фавқуллодда аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Аз-


¹ Ислом Каримов, Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда, Т.: Ўзбекистон, 2000. –Б. 11.

Замахшарий ҳазратларининг ҳаёти ва ижоди билан чуқурроқ танишар эканмиз, у зотнинг фазилатларию ҳар қандай даҳо хавас қиладиган даражадаги ўғитлари биз авлодлар учун сабоқ бўладиган кўндан-кўн намунавий, ибратомуз тарбиявий жиҳатларининг гувоҳи бўламиз. Масалан, буюк аллома ўз она юрти Хоразмга нисбатан чексиз муҳаббати ва ватанпарварлик туйғуси ва садоқатини қатор асарларида алоҳида таъкидлайди. Жумладан, ўз асарларидан бирида «Хоразмда шунчалик кўп, беҳисоб гўзал фазилатлар мавжудки, дунёнинг бирор мамлакатада ҳам бунақасини кўрмадим», – деб зўр ифтихор ва гурур билан ўз ватани Хоразмни таърифлайди. Ёки бўлмаса, ўзининг «Рабийъ ал-аброр ва нусус ал-ахбор» («Яхшилар баҳори ва хабарлар изҳори») номли Бағдодда нашр этилган тўрт жилддан иборат йирик асарида Жаноб пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг яқин саҳобаларидан бири Абу Ҳурайра (у 676 йилда вафот этган) ривоят қилган муборак бир ҳадисни келтирадики, бунга кўра Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳазратлари Хоразмга гоаятда юксак таъриф бериб: «Хоразмда атиги бир кечагина тунаган инсон қандай бахтли-я! Хоразмнинг чангу губори теккан кишидан бахтли инсон бўлмаса керак! Хоразмда икки ракаат бўлсада, намоз ўқиган киши қандай бахтиёр инсон-а!, – деб марҳамат қилган эканлар». (Биринчи жилд, 349-351 бетлар). Сарвари оламнинг муборак тилларидан содир бўлиб, сидқидилдан пайгамбарона меҳр билан айтилган бу таъриф тавсифлар кўҳна Хоразмни азалдан ислом олами учун ҳам нақадар азиз ва муқаррам ўлкалардан бири сифатида улугланганлигини кўрсатади.

Ал-Ҳасан ал-Басрий (642-728) исмли тобиъий ўз даврида ҳадис, фикҳ, калом, тарих, наҳву сарф илмлари бўйича йирик олим сифатида танилган бўлиб, у ҳам Хоразмни: «Машириқда Хоразм деган бир шаҳар бор. У Жайҳун (Амударё) соҳилида жойлашган. Бу шаҳарни малоикалар чор тарафдан ўраб турадилар ва бамисоли келинни пардозлаб, ясантириб куёви уйига олиб борганлари каби улар Хоразмни ясан-тусан қилиб жаннатга томон етаклайдилар. Аллоҳ таоло Хоразмнинг битта қабристонидан юз минг шаҳидни тирилтирадики, улардан ҳар бир шаҳиднинг даражаси Бадр жангининг шаҳидлари мақомига баробардир», деган гоаятда юқори баҳо билан шарафлаган.

Шунингдек, руиҳи ҳидоятга бошловчи тўрт халифаларнинг иккинчиси ҳазрат Умар ибн Хаттобнинг (685-644) ўғли Абдуллоҳ ибн Умар хоразмлик бир кишидан унинг туғилган юрти ҳақида сўраганларида у: «Бизнинг Хоразмда шундай қаттиқ совуқ бўладики, агар бир киши юзини ювса, юзига теккан сув шу заҳотиёқ қотиб музлаб қолади», – деди». Бундан таажжубга тушган Абдуллоҳ ибн Умар: «Бундай юзларни жаннатий деб башорат беринг», – деб хитоб қилдилар.

Истиқлол яратган имкониятлар туфайли юртимиздан чиқиб жаҳон миқёсида алоҳида ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлган алломаларнинг ҳаёти ва улар қолдирган асарларини ва бой меросини урганишига алоҳида эътибор берилмоқда. Бир арабшунос тадқиқотчи сифатида менга ҳам баҳоли қудрат шу йўналишда илмий изланишлар олиб бориб, буюк аждодларимиз ҳақида бир қанча рисоалар, кўплаб илмий оммабоп мақолалар яратиши насиб этди. Табиийки, хоразмлик буюк аллома Маҳмуд аз-Замахшарийнинг ҳаёти ва ижоди билан шугулланишига ҳам тўғри келган эди. Алломанинг ҳаёти ва асарларининг қисқача шарҳига бағишланган «Нозик иборалар» номли рисоламиз 1992 йилда катта тиражда (юз минг нусхада) Тошкентдаги «Камалак» нашриётида чоп этилганди. 1995 йилда республикамизда Маҳмуд аз-Замахшарий таваллудининг 920 йиллиги нишонланиши муносабати билан Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриётида «Маҳмуд аз-Замахшарий» номли мўъжазгина рисола ҳам нашр қилинган. Лекин ҳозирги вақтда Маҳмуд аз-Замахшарийнинг шахси ва ижодига бўлган қизиқиши янада ортганлигини эътиборга олиб, юқорида кўрсатилган икки рисоламизга ҳамда кейинги йилларда аз-Замахшарий ҳақида араб тилида чоп этилган қатор тадқиқотларга таяниб ёзилган ушбу рисола «Хоразмлик буюк аллома» деган ном билан аташни маъқул кўрдик. Бу улуг аллома, беназир инсон, Хоразм элининг фахру ифтихори бўлган аз-Замахшарий ҳазратларининг буюк даҳосига халқона таъзим ва эҳтиромимиз ҳосиласидир.



«ЗАМАХШАР -
ТУФИЛГАН
ЮРТИМ»

«ЗАМАХШАР — ТУФИЛГАН ЮРТИМ»...

Хоразм воҳасида азалдан жаҳон фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган кўплаб алломалар етишиб чиққан. Айниқса, ўрта асрларда бу диёр илм-фаннинг турли соҳалари бўйича самарали ижод қилган Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон ал-Беруний, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Ибн Мискавайҳ, Абу Наср ал-Ироқ, Абу Саҳл Масиҳий, Абул Хайр ибн ал-Ҳаммор кабиларнинг донғи бутун Мағрибу Машриққа тарқалган. Шу боисдан ҳам хоразмлик қомусий аллома Абу Райҳон ал-Берунийга бағишлаб ёзган бир шеърда ҳурматли шоиримиз, Ўзбекистон қаҳрамони Абдулла Орипов:

*Қанча буюк зотларга макон бўлган Хоразм
Ўтган-кетган тарихинг барчага кундай аён
Сира ажаб эмасдир Маиҳад ҳам айлаб базм
Бир Қиёт фарзандига таъзимда бўлса жаҳон*

– деб бу фикримизни назмий ифода билан алоҳида таъкидлаган эди.

Хоразм заминида таваллуд топган буюк алломалардан бири Абул Қосим Маҳмуд аз-Замахшарийдир. Унинг тўлиқ исми Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад (баъзи манбаларда Аҳмад) бўлиб, у ҳижрий 467-сана ражаб ойининг йигирма еттинчисида – чоршанба куни (милодий ҳисобда 1075 йилнинг 19 мартда) Хоразмнинг катта қишлоқларидан бири Замахшарда таваллуд топган. Шу боисдан ҳам аз-Замахшарий тахаллусини олган. У Маккада яшаган пайтда исқандариялик бир шогирди, «Ал-Ақд ас-самийн фи таърих ал-балад ал-амийн» номли тарихий асарнинг муаллифи Шаҳобуддин Аҳмад ибн ал-Ҳусний ал-Моликийга йўллаган мактубида ўзи ҳақида «Мен Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хоразмийман, кейин аз-Замахшарийман. Хоразмнинг бир

қишлоғига (Замахшарга) мансубман. Замахшар туғилган юртимдир», – деб ёзган.

Аз-Замахшарийдек буюк зотнинг киндик қони тўкилган Замахшар алломанинг юрти бўлганлигидан кейинчалик жумлаи жаҳонга донғи кетди. Шу боисдан ҳам араб мутафаккирларидан бири: «Дунёдаги барча қишлоқлар жамланиб, Хоразмнинг биргина **замахшар** қишлоғига фидо бўлса арзийди. Чунки бу қишлоқ минг йилларда бир марта келиши мумкин бўлган буюк аз-Замахшарийдек машҳур йирик алломани дунёга келтирган», деб бу қишлоққа ўз таҳсинини изҳор этган экан.

Аз-Замахшарий ҳақидаги маълумотлар асосан ўрта аср араб манбаларида, қисман маълумотлар эса олимнинг асарларида келтирилган. Унинг ҳаёти, фаолиятини ёритишда ибн Халликон («Нафоеъ ал-аъён»), Ибн ал-Анбарий («Нузҳат ал-алиббо фи табақот ил-удабо»), Ёқут ал-Ҳамавий («Муъжам ул-удабо»), ал-Йофиъий («Миръот ал-жинон»), Ибн ал-Жавзий («Ал-Мунтазим»), Жалолуддин ас-Суъутий («Буғйот ал-вуот»), Ибн ал-Қифтий («Инбаҳ ар-рувот») ва бошқа араб муаллифларининг асарлари асосий манбалар жумласидандир. Шу муаллифлар келтирган далилий маълумотларни умумлаштирган ҳолда аз-Замахшарийнинг оиласи, унинг ёшлик йиллари ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Аз-Замахшарийнинг отаси унчалик бадавлат бўлмасада, ўз даврининг саводли, зиёли, тақвоси кучли, диёнатли кишиси бўлган. У аксарият вақтини Қуръони Карим тиловати-ю тоатибодат билан ўтказган ва Замахшардаги бир масжидда имомлик ҳам қилган. У хулқ-атвори яхши, ширинсухан ва ғоят мурувватли киши бўлган. Бу фазилати билан эл орасида катта обрў-эътибор топган.

Унинг онаси ҳам тақводор ва диндор аёллардан ҳисобланган. Асарларидан бирида ўз волидаси ҳақида келтирган ушбу маълумотлар онасининг оққўнгиллигидан далолат беради: «Ёшлигимда бир воқеа бўлган эди. Кунлардан бирида бир чумчуқни тутиб олиб оёқларини ип билан маҳкам боғладим. Бироқ чумчуқ қўлимдан чиқиб кетиб, девор орасига (инга) кириб бекинди. Мен уни инидан тортиб чиқариб олдим. Оёғига боғланган ипнинг сиқishi натижасида қушнинг оёғи узилиб (кесилиб) тушди. Бундан онам қаттиқ хафа бўлиб: «Сен қушнинг оёғини

кесганинг каби худо ҳам сенинг оёгингни кессин!», – деб мени қарғадилар».

Маълумки, аз-Замахшарийнинг бир оёғи чўлоқ бўлиб, у бутун умр ёғоч оёқда юрган. Унинг чўлоқлиги сабаблари ҳақида ёзганларида тарихчилар ҳар хил ривоятлар келтиришади. Шулардан бири онасининг қарғиши бўлган деб таъкидлайдилар. Ана шу маълумотларга таяниб, айтиш мумкинки, олим ёшлик йиллари диний, тақводор оилавий муҳитда шаклланиб, камол топган. Бунга қўшимча аз-Замахшарий назмий асарларидан бирида ота-онасию оила аъзоларидан бирортаси ҳам на шароб, на бошқа ичимликни мутлақо истеъмол қилмаганлигини алоҳида таъкидлайди. Бу фикримизни янада ойдинлаштиради. Афтидан, аз-Замахшарийнинг отаси серфарзанд бўлган. Чунончи, у ўз қасидаларидан бирида фарзандлари кўп, оиласи катта бўлгани учун отаси рўзгор тебратиб, тирикчилик йўлида тинмай меҳнат қилгани ҳақида ёзади.

Отаси ҳақида келтирган маълумотларда унинг отаси бир қанча муддат ҳибсда бўлганлиги ҳам қайд қилинади. Чунки, аз-Замахшарий ҳоким Муаййид ал-Мулкка (у 1101 йилда вафот этган) мурожаат этиб, отасининг илму фазилатига ҳурмат ва катта оиланинг боқувчиси бўлганлигини инобатга олиб, уни ҳибсдан озод этишини илтимос қилади. Аз-Замахшарий отасининг ҳибсга олиниши сабаблари аниқ бўлмасада, диний қарашлар бўйича улар билан ҳукмдорлар орасидаги ихтилоф бўлса керак, деб таҳмин қилиш мумкин. Чунки, аз-Замахшарий оиласи муътазилий оқимига мансуб бўлиб, унинг тартиботларига барча оила аъзолари қаттиқ риоя қиладилар. Хуллас, ёш Маҳмуднинг дунёқарashi мана шу диндор, тақводор отанинг таъсирида ўтди.

Тикувчиликка эмас, илмга ҳавас

Аз-Замахшарий дастлабки билимни она юрти Замахшарда ўз даврининг илмли кишиларидан саналган отасидан олди. Бир оёғи чўлоқ бўлиб қолгач, отаси уни оғир меҳнатга ярамайди, деб тикувчилик ҳунарини эгалласин деган ниятда бир кийим тикувчи устага шогирдликка бермоқчи бўлади. Аммо ёшлигидан илмга ҳавасманд Маҳмуд отасидан ўзини мадрасага ўқишни юборишни илтимос қилади. Ўғлидаги илмга бўлган зўр иштиёқ ва ҳавас-

ни сезган ота унинг илтимосини бажо келтиради. Ана шу пайтдан бошлаб ёш аз-Замахшарий илм-фаннинг турли соҳалари билан қизиқиб, ўз тенгқурлари орасида зўр қобилият ва катта истеъдодини намоён қила бошлайди. Мадрасада ўқиладиган илмларни, айниқса, араб тили ва адабиёти, диний илмлар мажмуасини тўлиқ билаллайди. Шу билан бир қаторда ўша даврда илм аҳллари орасида муҳим ҳисобланган хаттотлик санъати сирларини ҳам мукаммал ўзлаштириб, бунинг натижасида тирикчилигини ҳам бир қадар гузатади. Сўнг, араб тарихчиси Ибн Халликоннинг (1211-1288) ёзишича, талабалик ёшига (12 ёшларга) етгач, ўз илмини ошириш ва ҳар томонлама мукаммал билимга эга бўлиш мақсадида у Бухоро шаҳрига йўл олади. Чунки Бухоро ўша пайтда, машҳур филолог олим Абу Мансур ас-Саолибийнинг (961-1038) ибораси билан айтганда, «Сомонийлар давридан бошлаб шон-шухрат макони, салтанат каъбаси ва замонасининг илғор кишилари жамланган, ер юзи адибларининг юлдузлари порлаган ва ўз даврининг фозил кишилари йиғилган жой эди».

Афтидан, аз-Замахшарий Бухорода таҳсил кўриб юрган йиллари унинг отаси вафот этган кўринади. Чунки, у ўз девонига кирган шеърларидан бирида вафот этган отасини кўролмайдиган армонда қолганлиги, дийдорига тўймаганлиги, «бир том остида касаллигига марҳам (малҳам) бўла олмаганлиги»ни ғоят таассуф ва чуқур аламу ҳасрат билан ёзади. У Бухорода ўқишни тугатгач, бир неча йил хоразмшоҳлар хизматида бўлиб, котиблик қилади. Ҳукмдорлар билан яқин бўлишга интилади. Бироқ, қобилияти, илми ва фазилатларига яраша муносиб эътибор кўрмагач, ўзга юртларга сафар қилади, ўз матлабу мақсадининг ушатишига умид боғлайди. Бу ўринда яна шуни таъкидлаш керакки, аз-Замахшарийнинг ёшлик йиллари салжуқийлар ҳукмдори султони Маликшоҳ ва унинг машҳур вазири Низом ул-Мулк даврига тўғри келди. Бу ҳукмдорлар илм-фан ва маданият равнақи йўлида улкан ишларни амалга оширгандилар. Айниқса, илм-фан ва маърифат ҳомийси сифатида бутун Шарқда донг таратган бош ишчи Низом ул-Мулк олимларга, шоиру адибларга катта эътибор берарди. У Шарқнинг турли-туман шаҳарларида аҳли сунна тартиботи бўйича шариатни ўргатадиган мадрасалар ташкил қилди. Улар Низомия мадрасаси номи билан машҳур эди.

Шу вақтда хоразмшоҳлар давлати Буюк Салжуқ салтанати-га тобе вилоятлардан эди. Шу боисдан ҳам ўз эли Хоразмда етар-

ли обрў-эътибор топмаган аз-Замахшарий салжуқийлар вазири Низом ул-Мулк хизматига киради. Унга мадҳия тарзида бир қасида ёзади. Ушбу қасидада ўз юртида илмига ва қобилиятига яраша мартабага эга бўлиб, етарли иззат-икром кўрмаганлиги, ўзининг юқори лавозимларга муносиб эканлиги ва бу орзусига эришиш учун илм-фаннинг қадрини биладиган Низом ул-Мулкдан умидвор бўлиб келганлиги ҳақида ёзади. Бироқ бу сафар ҳам унинг омади юришмай, орзу қилган мартабасига эриша олмади. Бу борада, балким Низом ул-Мулкнинг сунний йўналишига мансублиги, аз-Замахшарий эса муътазиллий оқимининг ашаддий тарафдори бўлганлиги сабаб бўлгандир. Бу ҳол шу даражага етадики, агар аз-Замахшарий бирор дўстиникига бориб эшигини тақиллатиб кирмоқчи бўлса, эшикни очган хизматкорга: «Хўжайнингга бориб, «Абул Қосим ал-Муътазиллий келди», деб айт», – дерди.

Олис юртларга сафар

Олимнинг шундан кейинги ҳаёти янги ўлкаларга сафар қилиш билан боғлиқ бўлиб, у Хуросонга қараб йўл олади. У ердаги давлат арбобларидан баъзилари билан боғланиб уларга мадҳиялар бағишлайди. Улардан бири Тож уд-Давланинг ноиб Музейр ад-Давла Абул-Фатҳ Али ибн ал-Ҳусайн ал-Ардистоний эди. У ўз даврининг машҳур котибларидан эди. Унга бағишлаб мадҳиялар ёзади, грамматика (наҳв)га оид «Шарҳ абйат Сибавайҳ» ва «ал-Анмузаж» номли асарларини ҳам унга бағишлайди. Шунингдек, тарихчи Ибн ал-Қифтийнинг ёзишича, ал-Ардистонийга атаб яна бир қасида ҳам битади. Хуросонда бўлганида вазир Низом ул-Мулкнинг ўғли Убайдуллоҳга бағишлаб ҳам мадҳиялар ёзади. Убайдуллоҳ Султон Абу-л-Фатҳ Маликшоҳ даврида девон ал-иншонинг (канцеляриянинг) бошлиғи (раиси) бўлиб, наср ва назмда етук адиблардан ҳисобланиб, ўз тенгқурларидан батамом устун эди. Унинг юксак фазилатларига алоҳида ҳурмат-эҳтиромини билдириш мақсадида аз-Замахшарий Убайдуллоҳга мадҳиялар бағишлайди.

Шунга қарамасдан аз-Замахшарий, Хуросонда ўз мақсадига эришолмайди. Бу ерда ҳам унинг аҳволи Хоразмдагидан кўра яхши бўлмайди. У яна сафарга отланиб, Салжуқийлар давлати-


нинг пойтахти Исфаҳонга келади. Салжуқийлар султони Муҳаммад ибн Абу-л-Фатҳ Маликшоҳ адолатлиги, гузал хулқ-атвори ва жасурлиги билан машҳур эди. аз-Замахшарий султоннинг хайрли ишларига бағишлаб мадҳиялар ёзади. Шундан кейин ҳам аз-Замахшарий фаолиятида подшоҳу ҳукмдорларга мадҳиялар маълум даражада ўз аксини топган, десак муболаға бўлмайди. Чунончи бир қатор салжуқий ҳокимларга бағишлаб мадҳиялар битгани ҳақида илмий тадқиқотларда алоҳида қайд қилади. Салжуқийларнинг подшоҳи Муизиддин Санжар (у 1117-1118 йилларда ҳокимлик қилган) аз-Замахшарий мадҳ қилган ҳокимлардан бири ҳисобланади. Шу воқеалардан кейин барибир Хоразмшоҳ Муҳаммад ибн Ануштегин (1096-1127 йилларда ҳукм юритган) билан боғланган. Унга бағишлаб мадҳиялар ёзади. Ўзининг йирик асарлари «Муқаддимат ал-адаб»да султоннинг ўғли Хоразмшоҳ Отсизнинг (1127-1156 йилларда ҳукм юритган) илм аҳллари ва идибларига нисбатан ғамхўрлигини алоҳида таъкидлайди. аз-Замахшарийнинг бу асарига зўр қизиқиш билан қараган Отсиз ут шахсий кутубхонаси учун ундан бир неча нусха кўчиртирган эди.

1118 (512 ҳижрий) йилда аз-Замахшарий оғир бир дардга чалғишди ва бир қанча азоб-уқубатларни бошидан кечириб тузалди. Энди мансаб илинжида ҳукмдорлар бўсағасини босмасликка оғт ичади, мол-дунё таъмасидан мутлақо воз кечади, қолган умрини фақат илм-фанга бағишлашга, шогирдлар етиштиришга бахшида этиб, асарлар яратишга астойдил қарор қилади. Бироқ яна тез орада сафарга чиқиб Бағдодда тўхтайтиди. Кўп илмлар бўйича Бағдод олимларидан сабоқ олиб қизғин мунозараларда қатнашади.

Ибодат лаззати Маккада

Бир муддат Бағдодда тургандан кейин у яна сафарини давом эттириб, Маккага боради, Макка аҳли, айниқса, унинг амири Абу-л-Ҳасан Али ибн Ҳамза аш-Шариф ал-Ҳасаний ибн Ваҳҳос аз-Замахшарийни яхши кутиб олади. Амир фозил, илмли киши бўлиб, у бир қанча назмий, насрий асарларини тасвиф қилган эди. У аз-Замахшарийнинг Маккада ёзишга шайхнинг таъриқ-тайфиди. Уни гоаят улуғлаб қадр-қимматини муносиб баҳолайди.

4042



Аз-Замахшарий ҳам у билан танишганидан беҳад қувониб, иккала олим бир-бирининг илму заковатидан баҳраманд бўлиб билим даражаларини оширадилар. Икковлари дўст тутиниб, ҳатто бир-бирларига бағишлаб қасидалар ҳам битгадилар. Аз-Замахшарий Ҳижозда бўлган пайтида Ҳамадон (Яман)ни ҳам зиёрат қилганлиги айрим манбаларда қайд этилган. Қасидаларидан бирида олимнинг ўзи ҳам бу ҳақда ҳикоя қилади. Арабистон ярим оролининг барча минтақаларини зиёрат қилади. Ат-Тоифдан тўрт кунлик йўлда жойлашган бир водийнинг тупроғию аҳли ўзига ёқиб қолганлиги ҳақида тўлқинланиб ёзади.

Маккада икки йилча яшаганидан кейин юртини қўмсаб ватанига қайтади. Лекин бир неча йил ўтгач, Маккадан кетганидан қаттиқ пушаймон бўлиб, ҳагто алам-ҳасратидан йиғлашгача етади. Ўзининг бу ҳолатини олим бир қанча қасидаларида ифода этади. Унинг қариндошлари «ўз умрининг анча қисмини Маккада ўтказдинг, яна Маккага кетаман дейишининг боиси нима?» – деб сўраганларида, у: «Қалб хотиржамлиги, дил поклиги ва ибодат лаззатини фақат Маккадагина ҳис қилиш мумкин», деб жавоб қилади. Шундан кейин иккинчи марта Макка томон йўл олиб, Дамашқда тўхтади. Дамашқ ҳокими Бўри Тафтакинга бағишлаб шеърлар ёзади. Чунки, у диний масалаларда ихтилофлар чиқарган ботиния оқими тарафдорларига қарши курашган бўлиб, улардан олти мингини ўлдирган эди. Шунингдек у Дамашқ мусулмонларини салибчилардан ҳимоя қилиб, уларга қарши Дамашқда яшовчи араб ва туркманларга раҳнамолик қилиб, салибчиларни 523 ҳижрий (1123) йилда мағлуб қилган эди.

Шу 1123 йилнинг ўзида у Дамашқдан чиқиб, Маккага етиб боради ва уч йил мобайнида бу муқаддас шаҳарда яшайди. Макканинг амири Ибн Ваҳҳос бу сафар ҳам аз-Замахшарийни қизғин қарши олиб, унга ғоятда иззат-икром кўрсатади. У эътиқод қилган оқимини (муътазилияни) маъқул топиб, олимни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Шу пайтда Ибн Ваҳҳоснинг самимий ёрдамидан илҳомланган аз-Замахшарий ўзининг Куръони Карим тафсирига бағишланган машҳур асари «Ал-Кашшоф»ни (бу асар ҳақида кейинроқ маълумот берамиз) ёзиб тугатади. Ўз ҳаётида чуқур из қолдирган Маккада аз-Замахшарий ҳаммаси бўлиб беш йилдан ортиқ яшайди. Шу боисдан у Жоруллоҳ «Аллоҳнинг қўшнисини» деган шарафли лақабга муяссар бўлиб, бутун мусулмон оламида таниқли олимлардан бирига айланади. Сўнгра

Ўз юрти Хоразмга қайтиб келиб, бир неча йил яшагандан кейин 583 ҳижрий йилнинг арафа кечаси (1144 мелодий) Журжония (ҳозирги кўҳна Урганч)да вафот этади ва шу жойда дафн этилади. аз-Замахшарий вафотини эшитган Макка аҳолиси ғоятда ҳамгин бўлиб, қаттиқ хафа бўладилар. Ҳатто Макка шоирларидан бири алломанинг вафотига бағишлаб қўйидаги марсияни битган экан:

*Жоруллоҳ Маҳмуд вафотидан топгач хабар,
Макка аҳлининг кўз ёшлари тўхтамай оқар.*

Алломанинг вафотидан кейин деярли икки юз йил ўтгач, яъни 1333 йили Хоразмни зиёрат қилган машҳур араб сайёҳи Ибн Баттута (1304-1377) ўзининг «Ар-Риҳла» («Саёҳатнома») номли асарида Хоразм (Кўҳна Урганч)нинг ташқарисида аз-Замахшарийнинг устида қуббаси бўлган мақбарасини кўрганлиги ҳақида ёшди.



A decorative border with a repeating floral and leaf pattern surrounds the text.

ЎЗ ДАВРИНИНГ ЯГОНАСИ

ЎЗ ДАВРИНИНГ ЯҒОНАСИ

Буюк мутафаккир аз-Замахшарий биз авлодларга бой ва улкан мерос қолдирган. У тилшунослик, луғатшунослик, адабиёт, аруз, жўғрофия, тафсир, ҳадис, фикҳ ва илм ал-қироатга оид олтмишга яқин асар яратган бўлиб, бахтимизга уларнинг аксарияти бизгача етиб келган.

Тилшунослик ва грамматиканинг турли масалаларига оид асарлар аз-Замахшарий ижодида салмоқли ўрин эгаллайди. Жумладан, араб тили грамматикасига оид «Ал-Муфассал» номли асарини у Маккада яшаган пайтида, икки йил (1119-1121 йиллар) давомида ёзган. «Ал-Муфассал» араб тили наҳву сарфини ўрганишда муҳим дастурий манба сифатида азалдан Шарқда ҳам, Фарбда ҳам шуҳрат топган асарлардан ҳисобланади. Кўпчилик олимлар ўз илмий қиммати жиҳатидан аз-Замахшарийнинг бу асари таниқли араб тилшуноси Сибавайҳнинг (у 796 йили вафот этган) араб грамматикасига оид машҳур китобидан кейин иккинчи ўринда туради, деб таъкидлаганлар. Бу асар ўша даврнинг ўзидаёқ араб халқлари орасида катта эътибор қозонади ва араб тилини мукамал ўрганишда асосий қўлланмалардан бири сифатида кенг тарқалади. Ҳатто Шом (Сурия) ҳокими Музаффариддин Мусо кимда-ким аз-Замахшарийнинг ушбу асарини ёд олса, унга беш минг кумуш танга ва бош-оёқ сарупо совға инъом қилишини ваъда беради. Бир қанча кишилар асарни ёд олиб, ҳокимнинг мукофотига сазовор ҳам бўлганлиги манбаларда келтирилган. Биргина шу мисолнинг ўзиёқ аз-Замахшарий асарининг ўша даврда ҳам қанчалик юксак баҳоланганлигини кўрсатади. Бу қимматли асарнинг олтита қадимий қўлёзма нусхалари Тошкентда, ЎзФА Шарқшунослик институтида сақланади. Уларнинг энг қадимийси №11459 рақами остидаги нусха бўлиб у 1357-1358 йилларда хаттот Кутбиддин Шерозий томонидан кичик насх хатида кўчирилган. «Ал-Муфассал»нинг бир қадар ихчамлаштирилиб, мухтасар ҳолга келтирилган нусхаси «Ал-Унмузаж»

(«Намуна») номи билан аталади. Бу асарнинг қўлёзма нусхалари хорижий мамлакатларда сақланиб, Тошкентда, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида унинг ўнга яқин босма нусхалари мавжуд. Ўзбекистонлик шарқшунос олим Абдуҳофиз Абдужабборов «Ал-Унмузаж»ни арабчадан ўзбек тилига таржима этиб нашр эттирган. Аз-Замахшарийнинг грамматикага оид асарларидан яна бири «Шарҳ абйот китоб Сибавайҳ» бўлиб, юқорида зикр этилган араб олими Сибавайҳнинг китобига бағишлаб ёзилган мукаммал шарҳдир. Алломанинг Хоразмшоҳ Алоуддин Абул-Музаффар Отсиз (1127-1156)га бағишлаб ёзилган «Муқаддимат ул-адаб» асари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу асар ҳақида батафсилроқ тўхталамиз.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, хоразмшоҳлар ҳукмронлиги даврида илм-фан, маданият анча тараққий қилган эди. Ҳукмдорлар, айниқса, Хоразмшоҳ Отсиз олимлар, шоиру адибларга алоҳида ҳурмат билан қарар, ўзи ҳам истеъдодли, маърифатпарвар, адабиётга қизиққан, билимдон зиёли киши эди. Унинг даврида илм-фан равнақи йўлида бир қанча хайрли ишлар амалга оширилганлиги яхши маълум. Шу сабабдан бўлса керак, аз-Замахшарий «Муқаддимат ул-адаб»ни бу маърифатпарвар шоҳга бағишлаб ёзган. Асар беш катта қисмга бўлинган бўлиб – отлар, феъллар, боғловчилар, от ўзгаришлари ва феъл ўзгаришлари ҳақида баҳс юритади. Асар 1137 йили ёзиб тугалланган.

Аз-Замахшарийнинг бу асарида ўша даврдаги адаб илми жумласига кирувчи барча билимлар ҳақидаги маълумотлар киритилган. Аз-Замахшарийнинг «Муқаддимат ул-адаб» асари устидан кўп йиллардан буён илмий тадқиқотлар олиб бораётган филология фанлари доктори, профессор Зоҳиджон Исломовнинг ёзишича, бизгача асарнинг арабча-форсча, арабча-туркий, арабча-хоразмийча икки тилли, арабча-форсча-туркий уч тилли, арабча-форсча-туркий-мўғулий сўзлик киритилган тўрт тилли қўлёзмалари етиб келган. Дарҳақиқат, алломанинг бу асари тилшуносликка оид юксак билим, етарли илмий малакани ўзида мутассам этган бўлиб, яратилган даврдан бошлаб ҳозирга қадар ноёб қомусий манбалардан бири ҳисобланади. Шу боисдан ҳам «Муқаддимат ул-адаб» яратилган даврдан эътиборан бир неча асрлар давомида олимлар, тадқиқотчилар диққатини ўзига тортиб келаётир. У биринчи марта 1706 йили Хўжа Исҳоқ Афанди томонидан усмонли турк тилига таржима этилган. Сўнгра Евро-

панинг бир қанча тилларига (француз, немис) таржима қилинган. Париж, Лейпциг, Вена, Лейден, Қозон шаҳарларида, Норвегия, Миср ва Ҳиндистонда бир неча марта босилган. Немис олими Ватзастайн «Муқаддимат ул-адаб»нинг Европа қўлёзма фондларидаги еттита нусхасини қиёсий ўрганиб, 1850 йили Лейпцигда асарнинг икки жилдлик танқидий матнини нашр этган.

Асарнинг чиғатой тилидаги таржимаси ўзбек тили тарихини ўрганувчилар учун катта аҳамиятга эгадир. Бу ҳақда Садриддин Айний 1921 йили «Меҳнаткашлар товуши» газетасига ёзган мақоласида «Аз-Замахшарийнинг «Муқаддимат ул-адаб» асари ўзбек тили учун бутун дунёнинг хазинаси билан баробардир», – деб ёзган эди. Мамнуният билан айтиш керакки, профессор З.Ислмовнинг илмий изланишлари натижасида Маҳмуд аз-Замахшарийнинг бу муҳим асарига бағишланган «Адаб илмининг дурдонаси» номли рисола ва асарнинг феъллар қисмининг йиғма илмий-танқидий матни тайёрланиб 2002 йили Тошкент ислом университети нашриётида чоп этилди.

Аз-Замахшарий Макка амири, олим ва адиб Абул Ҳасан Али ибн Ҳамза ибн Ваҳҳос ас-Сулаймоний билан дўст эди. Ибн Ваҳҳос ғоят билимдон, олим одам эди. У ўз мамлакатининг жўғрофияси билан ҳам яхши таниш бўлган. Аз-Замахшарий ибн Ваҳҳос маълумотларига таяниб ва ўзининг Ҳижозга қилган сафаридан олган шахсий кузатишлари асосида «Китоб ал-жибол ва вал-амкина ва-л-мийоҳ» («Тоғлар, жойлар ва сувлар ҳақида китоб») номли жўғрофий асарини яратган. Асарда Арабистон ярим оролига оид жўғрофий жойлар, тоғлар ва сувлоқларга доир қимматбаҳо маълумотлар келтирилган. Машҳур араб жўғрофия олими ва сайёҳи Ёқут ал-Ҳамавий (1179-1229) ҳам ўзининг бутун дунёга таниқли «Муъжам ул-булдон» («Мамлакатлар қомуси») асарида Арабистон, хусусан, Ҳижоз ҳақидаги маълумотларини аз-Замахшарийнинг ушбу асарига таяниб ёзган. Аз-Замахшарийнинг бу асари ғарб олимлари ўртасида ҳам кенг танилган. 1856 йили голландиялик арабшунос олим Сальверде де Граве томонидан мукаммал тадқиқ қилинган ҳолда нашр этилган.

Аз-Замахшарий йирик тилшунос бўлиш билан бирга, адабиёт, тафсир, ҳадис, фикҳ илмлари бўйича ҳам мукаммал асарлар яратган.

Олимнинг «Асос ул-балоға» («Нотиқлик асослари») асари асосан луғатшуносликка бағишланган. Унда араб тилининг фа-

соҳати ва мукамаллиги ҳақида сўз боради. Фикрни чиройли ибора ва сўзлар билан ифодалаш, сўз бойлигидан ўринли ва усталик билан фойдаланиш учун киши фасоҳат ва балоғат илмларидан яхши хабардор бўлиши керак эди. Бунинг учун сўзни тўғри, ўт ўрнида ишлатиш, қоидага мувофиқ сўзлаш ва ёзиш ҳам керак бўлган. Бу асарда адабиётнинг асосий қисмлари, фразеологик сўз бирикмалари ва уларни амалда татбиқ этиш йўллари чуқур таҳлил этилган.

«Атвоқ уз-заҳаб фи-л-мавоъиз ва-л-хутаб» («Ваъзлар ва хутбалар баёнида олтин шодалар») – насиҳатомуз мақолалар тўпламидан иборат. Асар биринчи марта 1835 йили немис олими Фон Хомир томонидан немисчага таржима қилиниб, арабча матни билан нашр этилган. Ўттиз йилча ўтгач, французчага таржима қилиниб, 1886 йили Парижда чоп этилган. 1873 йили эса усмонли турк тилига таржима қилиниб, Истанбулда нашрдан чиққан эди.

Аз-Замахшарийнинг «Рабийъ ул-аброр ва нусус ал-ахбор» («Яхшилар баҳори ва хабарлар изҳори») асарида адабиёт, тарих ва бошқа фанларга оид ҳикоялар, латифалар ва суҳбатларнинг энг саралари жамланган. 97 бобдан иборат бу асарнинг нодир бир қўлёзма нусхаси Тошкентда, ЎзФА Шарқшунослик институтида сақланади. Бундан ташқари, Лейден, Берлин кутубхоналарида ҳам қўлёзмалари мавжуд.

Олимнинг аруз вазни ҳақида баҳс юритувчи «Ал-Қустос фи-л-аруз» («Арузда ўлчов мезони») асари муҳим манбалардан ҳисобланади. Алифбо тартибида йиғилган араб мақол, масалаларига бағишланган бошқа бир асарини аз-Замахшарий «Ал-Мустақсо фи-л-амсол» («Ниҳоясига етган масаллар») деб атаган. «Мақомат» («Мақоматлар») – эллик мақомдан иборат асарни қофияли наср-сажъ услубининг нозик намуналарини ўзида муваффиқ етган муҳим манбадир.

«Девон уш-шеър» китоби ҳам диққатга сазовор асарлардан ҳисобланади. Аз-Замахшарийнинг «Навобиф ул-калим» («Нозик иборалар») асари эса панду насиҳат, ҳикматларга бағишланган юксик дид билан ёзилган асардир. Бу асар дастлаб француз тилига таржима қилиниб, асл нусхаси билан биргаликда 1876 йили Парижда нашр этилган. 1884 йили Байрутда, 1896 йили Қозонда, 1970 йили Қоҳирада нашр этилган. Асарнинг биз томонимиздан бажарилган ўзбекча таржимаси 1992 йили Тошкентда чоп этилган.

Аз-Замахшарий ижодининг кенг кўламлилиги ва унинг илм-фан оламида тутган ўрнини билиш мақсадида олимнинг замондошлари ва кейинги асрларда яшаган тадқиқотчилар айтган фикр-мулоҳазалардан айримларини келтирамиз. Машҳур тарихчи Ибн ал-Қифтий у ҳақда шундай ёзади: «Худо раҳмат қилгур аз-Замахшарий илм ул-адаб, наҳв ва луғат бобида ўзгаларга мисол бўладиган аллома эди. У ўз ҳаёти давомида кўплаб буюк олимлар ва фозиллар билан учрашган бўлиб, тафсир, ҳадис, наҳв ва бошқа соҳалар бўйича бир қанча асарлари бордир. У ўз аса-рида араб тилида ижод қилган ажамлилар (ғайри араблар)нинг орасида энг буюгидир». Машҳур олим Ибн Халликон: «Аз-Замахшарий тафсир, ҳадис, наҳв, луғат ва илм баёни бўйича буюк имомдир. Ҳеч бир муболағасиз мазкур илмларда у ўз даврининг яғонаси, кўпдан-кўп ажойиб асарларнинг муаллифи эди», – деб таъкидласа, аз-Замахшарийдан бир неча аср кейин яшаган та-ниқли Миср тарихчиси Ибн Тағриберди «Шайх буюк аллома, ўз даврининг яғонаси, ўз асрининг энг пешвоси ва имоми бўлган», – деб қайд қилади.

Аз-Замахшарий ўз илмий ижодий фаолиятида, аввал қайд қилганимиздек, араб тили ва адабиётига чуқур ҳурмат билан қараган ҳамда ўз асарларини ҳам фақат араб тилида ёзган. Унинг асарлари мазмун жиҳатидан илм-фаннинг кўпгина (айниқса, иж-тимой) соҳаларини қамраб олган бўлиб, уларнинг сони, Ироқ олими доктор Фозил Солиҳ ас-Самарайининг ёзишича, элликдан ошиб кетади. Олим асарларини уларнинг мазмунига қараб асо-сан қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: 1) диний илмлар ва ула-молар ҳақида; 2) луғатшунослик; 3) грамматика (наҳв); 4) аруз; 5) адабиёт; 6) мантиқ.





ИЖОД
ГУЛТОЖИ

ИЖОД ГУЛТОЖИ

Аз-Замахшарий ижодининг гултожи бўлган, илм-фан оламида ғоят кенг танилган «Ал-Кашшоф» асари Қуръони Каримга ёзилган машҳур тафсирдир. Асарнинг тўлиқ номи «Ал-Кашшоф ан ҳақоик ит-танзийл ва уйун ил-ақовийл фи вужух ит-таъвийл» («Қуръондаги берк ҳақиқатларни ва уни шарҳлаш орқали ривоятлар кўзларини очғич»)дир.

«Ал-Кашшоф» аз-Замахшарийнинг ўзига ҳам ғоят манзур бўлган. Ҳатто у ўз асари ҳақида шундай ёзган эди: «Чиндан ҳам дунёда тафсирлар беҳад кўпдир. Ўлай агар, уларда «Кашшоф» кабиси бўлса. Агар ҳидоят изласанг, «Ал-Кашшоф»ни такрор ўқи. Нодонлик бир касал бўлса, «Ал-Кашшоф» унинг шифосидир».

Еттинчи асрнинг биринчи ярмида нозил бўлган Қуръони Карим мусулмонларнинг муқаддас китоби бўлиб, ўз тарихий, маданий аҳамияти билан бутун Шарқ халқларининг маънавий, ижтимоий тараққиётига катта таъсир кўрсатди. Бир томондан, Қуръоннинг ўша давр мумтоз араб тилига хос мураккаб услуб ва тилда насрий сажъ шаклида ёзилганлиги бўлса, иккинчи томондан, мазмун ифодасининг ҳам ғоят чуқур, кенг қамровлилигидир. Табиийки, бу тарихий ёдгорликни тўлиқ тушуниб англашни қийинлаштирган. Чунки араб тилини билган ҳар бир кишининг уни тўғри, тўлиқ тушуниши ҳам қийин бўлган. Шу сабабларга кўра, ҳаётий зарурат туфайли ўрта асрлардан бошлаб Қуръонни тафсир ёки шарҳ билан ўқиш одат тусини олган. Шу боисдан ҳам Қуръон яратилган даврдан эътиборан унга бағишланган тафсирлар, шарҳлар ёзишга катта эҳтиёж сезилган. Турмуш тақозоси билан мана шундай вазиятда ислом тарихида Қуръонга бағишланган кўпдан-кўп тафсирлар, шарҳлар (асосан араб тилида) вужудга келган.

Аз-Замахшарий ҳам тафсирини ёзишдан олдин ўзидан аввал яратилган, Қуръон тафсирига бағишланган кўплаб асар-

лири кунт билан ўрганган. Улардан унумли, танқидий фойдаланган. Натижада, мукамал бир тафсир, яъни «Ал-Кашшоф» нужудга келган. Бу асар аз-Замахшарий Маккада турган пайтида уч йил давомида (1132-1134 йиллар) ёзилган. Бу ҳақда муаллифнинг ўзи асарига ёзган муқаддимасида ҳам қайд қилиб ўтган. Асарнинг аз-Замахшарий Маккада эканлигида ёзилиши, шунингдек, Макка амири Абул Ҳасан Али ибн Ҳамза ибн Ваҳдос ибн Сулаймонийнинг унга (аз-Замахшарийга) кўрсатган хайрихоҳлиги ва ёрдами, шубҳасиз, муаллифга анча қулайликлар келтирган.

Асарда, айниқса, Қуръоннинг филологик таҳлилига катта эътибор берилган. Шу сабабли унинг филологик қиммати бениҳоя катта. Шу боис шу вақтгача етиб келмасдан йўқ бўлиб кетган кўплаб асарлар ҳақидаги маълумот ва тасаввурни ҳозирги замон тадқиқотчилари фақат аз-Замахшарийнинг «Ал-Кашшоф»идан олиб, ушбу асарлар қиммати ҳақида фикр-мулоҳаза қилиш имконига эришилган, холос. Бу ҳол илмий нуқтаи назардан жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, асарга муҳим бир манба сифатида қаралади. «Ал-Кашшоф»нинг машҳур асар эканлигига яна бир ёрқин далил сифатида унинг қўлёзма нусхалари кўплигини, асарга ёзилган бир қанча ҳошия, шарҳлар, сўнгги вақтда дунёнинг турли қисмларида бу асарнинг қайта-қайта нашр қилинишини кўрсатиш мумкин.

Қўли билан оққа кўчирилган дастхат

Немис шарқшуноси Карл Брокельмен дунёнинг турли қўлёзма фондларида «Ал-Кашшоф»нинг юзга яқин қўлёзмалари, йигирмидан ортиқ асарнинг ўзига ёзилган шарҳ ва ҳошиялари борлиги ҳақида ёзади. Бу аз-Замахшарий асарининг катта шухрати, катта аҳамиятга моликлигидан далолат беради. Асарнинг олим ўз қўли билан оққа кўчирган нусхаси (528 ҳижрий-1134 милодий йил) Техрон кутубхонасида сақланади. Гарчанд аз-Замахшарий ўшун муътазилий оқимига мансуб бўлса-да, унинг бу асари ислом оқли орасида шунчалик даражада машҳур бўлиб кетганки, орандан юз йил ўтар-ўтмас «Ал-Кашшоф»нинг баъзи ўринлари қўчиргирилган ҳолда араб олими Насириддин Абу Саид Абдуллоҳ ибн Умар ал-Байдавий томонидан бир қадар ишланган шаклда таълиф этилди.

Ал-Байдавийнинг Қуръонга ёзилган бу тафсири «Анвар ат-танзийл ва асрор ат-таъвийл» («Қуръон нурлари ва шарҳлаш сирлари») деб аталади. У тўлиғича «Ал-Кашшоф»га таянган. Шунингдек, бошқа манбалардан тўлдириб ёзилган тафсирдир.

Дарҳақиқат, араб олимларининг яқдиллик билан таъкидлашларича, «Ал-Кашшоф» турли даврларда Қуръонга ёзилган тафсирлар ичида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бу асар ҳозирги вақтгача араб мамлакатларида кўплаб мусулмонлар аҳли, айниқса, олимлар учун энг зарурий китоблардан бири ҳисобланади. Қоҳирадаги бутун дунёга машҳур «Ал-Азҳар» диний до-рулфунунининг талабалари эса «Ал-Кашшоф» асосида Қуръонни, унинг тафсирини ўрганадилар, ундан муҳим бир дастур-қўлланма сифатида фойдаланадилар. Бу асар дунёнинг турли шаҳарларида қайта-қайта нашр қилинган. «Ал-Кашшоф»нинг турли даврларда кўчирилган бир қатор нодир нусхалари Тошкентда, жумладан, Мовароуннаҳр мусулмонлари диния бошқармаси кутубхонасида ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёмалар институти фондида сақланади.

Юқорида айтилган фикрлардан яққол кўриниб турибдики, хоразмлик аллома аз-Замахшарий кейинги авлодларга бой маданий мерос қолдирган. Бу илмий-адабий мерос Шарқда ҳам, ғарбда ҳам азалдан қадрланган. Унинг аксарият асарлари бир неча хорижий тилларга таржима ҳам қилинган.



Аз-Замахшарийнинг чуқур билими, даҳоси ва фаннинг турли соҳаларига оид ўлмас асарлари ҳали у ҳаёт пайтидаёқ бутун мусулмон Шарқда унга катта шуҳрат келтирган. Алломани чуқур ҳурмат ва меҳр билан «Устоз ад-дунйа» («Бутун дунё устози»), «Устоз ул-араб ва-л-ажам» («Араблар ва ғайри араблар устози»), «Фахру Хваразм» («Хоразм фаҳри») каби шарафли номлар билан атаганлар. Машҳур олимлар, шоирлар ва адиблар даврасида у доимо пешволардан бири бўларди, қизгин илмий баҳслар, мунозараларда унинг фикри инobatга олинарди. Мана шундай улкан обрў-эътибор, эҳтимол, буюк даҳо унга ўз асарларидан бирида «Ва инний фи Хваразм Каабат ул-адаб» («Чиндан ҳам мен Хоразмда адаб аҳли учун бир Каъбаман») деб ёзишига асос бўлган бўлса керак.

Бу бизлар учун ёрқин мисол, ибрат намунасидир. Афсуски, жумҳуриятимизда – аз-Замахшарийнинг ватанида, улуғ аллома


мероси кам ўрганилган. Унинг асарларидан деярли бирортаси қили ўзбек тилига тўлиқ таржима қилинмаган.

Ўзбекистон ҳукуматининг қарори билан бу йил буюк аллома аз-Замахшарий таваллудининг 920 йиллиги ўтказилиши муносабати билан унинг бой меросини чуқур ўрганила бошланганлиги ҳар қандай таҳсинга лойиқдир. Мустақиллигимиз берган кенг имкониятлардан баҳраманд бўлиб, аз-Замахшарий асарларини муқиммал, ҳар томонлама ўрганиб, кенг жамоатчиликнинг ҳақиқий бойлигига айлантиришдек шарафли, хайрли иш олимларимиз олдида турган долзарб вазифалардандир.





АЛЛОМАНИНГ
ҲАЁТИЙ
ВА ИЛМИЙ
САБОҚЛАРИ



АЛЛОМАНИНГ ҲАЁТИЙ ВА ИЛМИЙ САБОҚЛАРИ

Аз-Замахшарийнинг ҳаёти, ижодий ва илмий фаолиятини кўраётганлар катта маърифий ва амалий аҳамиятга молик дунёда улкан ҳаётий, тарбиявий жиҳатлари, ҳавас қилса арзийдиган қисса ва ражада ибратли қирралари ҳам кўпдир.

Ёшлик чоғларидан илм-ирфонга ташна бўлиб ўсган аз-Замахшарий ўз билимини ошириш мақсадида ўша даврнинг йирик илмий ва маданий марказларидан бири бўлган Бухорои шарифий йўлига кўч қилган. Аммо илм толиби йўлда юз берган бахтсиз ҳодиса (отдан йиқилиб оёғи қаттиқ лат егани, бунинг устига, қаҳрамон совуқ бўлгани) туфайли бир оёғини кестиришга мажбур бўлган ва бутун умри давомида ёғоч оёқда юради. Лекин бу ногирон кишининг билим олишига тўсқинлик қила олмайди. У ёшлигидан илм-фаннинг турли соҳаларини, айниқса, араб тили ва адабиёти, шариқий диний илмлар мажмуасини мукаммал эгаллайди. Айни вақтда ўша даврда илм аҳллари орасида ғоятда зарур ва муҳим ҳисобланган хаттотлик санъати сирларини ҳам тўлиқ ўзлаштириб, обдон эгаллайди ва бу билан ўз оилавий турмуш шароити, иш-ишчилик рикчилигини ҳам бир қадар яхшилади. Жисмоний нотавон бўлган гига қарамасдан аз-Замахшарийнинг катта иштиёқ ва астойдил собитқадамлик билан билим олиш йўлидаги кўрсатган бу жўшқинлиги ва фидоийлиги ҳар қандай таҳсинга сазовордир ва кўп бир ибратдир.

Аз-Замахшарий ҳаёти билан чуқур танишар эканмиз, унинг илм талабида қатор хорижий мамлакатларга сафар қилганлигини ҳам кўраемиз. Дарҳақиқат, у Хуросон, Шом, Ироқ, Хижозга бўлганлиги ёзма манбаларда қайд этилган. Мана шу юртлардан бўлганида аз-Замахшарий ўша даврнинг кўп машҳур олимларидан сабоқ олди. Улар билан илмий, ижодий мунозараларда иштирок қилди, дўстона самарали ҳамкорлик ишларини боғлашди.

Алломанинг Шарқнинг турли шаҳарларида жуда кўп саёра шоғирдлари бўлган. Айниқса, Маккаи мукаррамада беш

қарар эди. Шу боисдан ҳам бу тилни чуқур ўрганиш, араб тилининг грамматикаси, лексикаси, умуман, араб тилшунослигининг оид бир қанча муҳим асарларни шу ногирон донишманд яратган. Унинг жумлаи жаҳонга донғи кетган «Муқаддимат ул-адаб» «Ал-Муфассал», «Асос ал-балоға» каби йирик таълифлари маъшу йўналишда ёзилган асарлардир. Арабларнинг «Агар хоразмлик шу кўса, чўлоқ бўлмаганида, араблар ўз тилларини билми эдилар!» деб лўнда қилиб алломага берган баҳосига ҳеч билизоҳнинг ҳожати бўлмаса керак. Араб тилига, унинг беҳад катта имкониятларига тан берган аллома барча асарларини фақат араб тилида яратган. Бу тилни мукамал ўзлаштирганининг боис албатта, катта меҳнат ва тинимсиз изланишлар самарасидир.

Аллома ногиронлигига қарамасдан саёҳату сафарларга бўлганлигини юқорида қайд қилган эдик. Дарҳақиқат, илм олиидек олижаноб мақсад тиниб-тинчимаган бу донишмандни ўз ўлкаларга чорлаганди. «Менинг сочларимни оқартирган нарси бу муттасил китоб мутолаа қилиш ва тинимсиз саёҳатлардир» деб алломанинг ўзи эътироф этади. Чиндан ҳам бу ҳол машҳур шарқшунос олим, академик И. Ю. Крачковскийнинг «Ёғоч оёқ юрганлигига қарамасдан аз-Замахшарий ҳазратлари ўта ҳақ катчанлиги билан ажралиб турган», – деб ёзиши ҳам бежиз эмалигини кўрсатади.

Аз-Замахшарий ижоди билан танишар эканмиз яна бир ратли ҳолнинг шоҳиди бўламиз. У ўзидан олдин яшаган қадимий адиб ва олимларнинг илмий фаолиятини, ижодини қунт билан ўргангани, уларнинг услуби ва маҳоратидан унумли истифода этади. Айниқса, йирик араб файласуф ва адиблари ал-Жоҳиз (1018 йилда вафот этган) ва ал-Ҳаририй (1054-1122)нинг ижодлари аз-Замахшарий қойил қолади, ўз асарларида уларни мадҳ этилади. Ўз ижодий, илмий фаолиятида улардан кенг кўламда фойдаланади. Мавриди келганда яна бир фикрни айтиш зарур. Бу шуки, агар мухтасар ҳолда гапирадиган бўлсак, аз-Замахшарий илмий, ижодий фаолиятини икки қисмга бўлиш мумкин: биринчиси босқичи унинг ижодий фаолиятининг бошланишидан то 1118 гача (унинг 43 ёшигача) бўлиб, яъни у оғир бир дардга чалинган тузалгунигача бўлган босқич. Бу даврда асарларининг асосий қисми луғатшунослик, тилшуносликка оид, мансабу марказий илмининг тарихи, тарихий шайхларнинг ҳаёт ва илмий фаолиятининг тарихида ҳокиму султонларга мадҳиялар устун бўлган бир қанча асарларни ташкил қилади. 1118 йилдан токи умрининг охиригача бу

Ажйод маҳалласида олим учун махсус бир уй ҳам қуриб беради. Макка амири билан аз-Замахшарий ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ишлари тобора мустаҳкамланиб, ҳатто аз-Замахшарий ушбу дўстона алоқаларга атаб бир қасида битади ва амирининг ўзига кўрсатган катта илтифотини миннатдорчилик туйғуси билан тараннум этади. Ибн Ваҳҳос ҳам етук олим ва шояр бўлгани учун улар бир-бирларининг ижодларидан ўзаро унумли фойдаландилар. Аз-Замахшарийдаги буюк даҳо, улкан илм фазилатларни шоҳиди бўлган ибн Ваҳҳос унга тасанно айтиши «Дунёдаги барча қишлоқлар жамланиб, Хоразмнинг биргилари ЗАМАХШАР қишлоғига фидо бўлса арзийди. Чунки бу қишлоқнинг йилларда бир марта келиши мумкин бўлган буюк аз-Замахшарийдек йирик алломани дунёга келтирган», – деб аз-Замахшарийни улуғлайди.

Маълумки, биринчи марта олим Маккада икки йилдан ортга яшаб ўз юрти Хоразмга қайтади. Орадан бирмунча вақт ўтгач Маккадан қайтганига пушаймон бўлиб қаттиқ изтиробга тушади. Ўзининг ушбу маҳзун ҳолатини олим бир қанча қасидаларда ифода этади. «Ўз умрининг анча қисмини Маккада ўтказди яна Маккага кетаман дейишининг боиси нима? – деб сўрагани ларида, у: «Қалб хотиржамлиги, дил поклиги ва ибодат лаззатини фақат Маккадагини ҳис қилиш мумкин», – деб жавоб қилади. Макка аҳли ва уламолари билан аз-Замахшарий ўртасидаги дўстона самимий муносабатлар олим умрининг охиригача давом этган. Аз-Замахшарий вафоти ҳақидаги хабарни эшитиб Макка адибларидан бири чуқур қайғу-аламга ботиб муқаддас шаҳар аҳлининг мотамсаро ҳолатини куйидагича ифодалаган:

*«Жоруллоҳ Маҳмуд вафотидан топгач хабар,
Макка аҳлининг кўз ёшлари тўхтамай оқар».*

Аз-Замахшарийнинг табиати ва феъл-атвори ҳақида манбаларда келтирилган айрим маълумотларга таяниб айтиш мумкин, аллома ҳазил-мутоибга мойил, ҳозиржавоб ва ўрни келганда айбини эътироф этиб тан оладиган иродаси кучли инсон бўлиб Манбалардан шу хусусдаги бир мисол келтирамиз. Аз-Замахшарийга замондош таниқли олим, қатор асарларнинг муаллифи Абул-Фазл ал-Майдоний (1124 йили вафот этган) бир асарини унга «Ал-Ҳодий ал-шодий» («Қисман илм олувчиларга қўли

Бахтимизга аз-Замахшарий асарларининг аксарияти бизгача етиб келган. Алломанинг мана шу буюк мероси жумласидан «Китоб ал-амкина ва-л-мийоҳ ва-л-жибол» («Жойлар, сувлар ва тоғлар ҳақида») жўғрофияга доир бир китоби ҳам катта аҳамиятга моликдир. Маълумки, аз-Замахшарий ўз умрининг аксар қисмини сафар ва саёҳатларда хорижий юртларда ўтказган. Жумладан, унинг қатор асарлари Маккада пайтида ёзилганлиги ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар келтирилади.

Ҳажм жиҳатдан унча катта бўлмаган «Жойлар, сувлар ва тоғлар ҳақида» асарини ҳам аз-Замахшарий Ҳижозда бўлганида ёзган. Алифбо тартибида яратилган жўғрофий луғат тусидаги бу асар асосан Ҳижоз ҳудудида жойлашган шаҳарлар, қишлоқлар, водийлар, тоғлар ва сув манбалари хусусидаги маълумотларни ўз ичига олган. Бошқа араб мамлакатлари, масалан, Ироқ, Сурия, Миср, Фаластинга оид жуда кам маълумотлар асосан китобий (тасвирий) ҳолда келтирилган.

Шимолий Африка, Эрон ва Ўрта Осиё ҳақида эса жуда ҳам камдан-кам ҳолларда зикр қилинади. Шу боисдан ҳам баъзи олимларнинг аз-Замахшарий ушбу асарни охиригача тугатишга улгурмаган ёки чала таҳрирдан чиқарган деган фикри ҳам мавжуд. Ушбу асарнинг манбалари ҳақида гапирадиган бўлсак, аз-Замахшарий, биринчи навбатда, Макка амири ибн Ваҳҳоснинг маълумотларига таянади. Бинобарин, Арабистон ярим оролига оид кўп маълумотлар йигирмадан ортиқ ўринларда унга таянилиб, «Али айтди» («қола Али»), «Сайид Али айтди» («қола ас-Сайид Али»), «аш-Шариф Али айтди» («қола аш-Шариф Али») деган иборалар билан бевосита унинг сўзлари нақл қилинади. Эҳтимол, амирнинг номини зикр қилмасдан туриб ундан келтирилган ўринлари ҳам бордир.

Аз-Замахшарий ўз асари учун фойдаланган манбалардан яна бири машҳур араб филологи Абу Сайид Абдул Малик ал-Асмай (740-831)нинг «Жазират ал-араб» («Арабистон ярим ороли») асаридир. Лекин аз-Замахшарий бевосита ал-Асмайнинг ушбу асаридан нақл қилгани, ёинки, унинг асаридан фойдаланган бошқа муаллифлардан кўчириб келтирилганлиги ҳақида қатъий бир фикр айтиш қийин бўлсада, ҳар ҳолда, уч ўринда аз-Замахшарий аниқ равишда «ал-Асмайдан олинган» деб таъкидлайди. Ўз навбатида, аз-Замахшарийнинг бу асари ундан кейин яратилган баъзи жўғрофий асарлар учун манба вазифасини бажарган. Бу борада,

нинг аввало, машҳур араб қомусий олими Ёқут ал-Ҳамавий (1179-1229)нинг илм аҳлларига яхши таниш бўлган «Муъжам ал-булдон» («Мамлакатлар қомуси») асарини зикр қилиш зарур. аз-Замахшарий вафотидан 75 йил ўтгач мўғуллар босқини арафасида Урта Осиёда, жумладан Хоразмда, Марвда бўлган Ёқут ал-Ҳамавий бу шаҳарлардаги бой кутубхоналарнинг беҳисоб қўлёзмаларни ҳақида Ут асарида ғоятда завқланиб, «Мен «Муъжам ал-булдон» ва бошқа китобларимдаги маълумотларнинг кўпини ўша кутубхоналардан тўнлаганман» деб ёзган. Дарҳақиқат, бир неча жондан иборат йирик жўғрофий луғат яратган Ёқут ал-Ҳамавийдан буюк олим аз-Замахшарийнинг «Жойлар, сувлар ва тоғлар» ҳақидаги китобига юқори баҳо бериб, «аз-Замахшарийнинг бу соҳада тўнал китоби бор», деб ёзган ва ундан ўз асарининг 64 ўрнида бевосита фойдаланган. Бу ўринда бир муҳим фикрни қайд этиш зарурдир. Бу шундан иборатки, Ёқут ал-Ҳамавий аз-Замахшарий асарига танииб ўз «Муъжам ал-булдон» луғатида келтирган баъзи мисолларни аз-Замахшарий асарида учратмаймиз. Бу фикримизга баъзи мисоллар келтирамиз. Ёқут ал-Ҳамавий «Муъжам ал-булдон»да (1-жилд 354-бет) «Маҳмуд аз-Замахшарий ва ундан бошқалар деган» «Сакит (фатъийл вазнида) – мавзе номи бўлиб, бу жойда муъаммолар билан эронлилар ўртасида жанг содир бўлган эди», «дефинган ёки бўлмаса, «Жидда»га таъриф беришда аз-Замахшарий асарида қисқачина «Мавзе» тарзида келтирилган бўлсада, Ёқут ал-Ҳамавий «Муъжам ал-булдон»да (2-жилд, 14-бет) Жидда таърифини: «Яман (Қизил) денгизи соҳилидаги бир шаҳарча (баъдан бўлиб, у Макка бандаргоҳи ҳисобланади. Макка билан Жидда ўртаси уч кечалик йўлдир – аз-Замахшарийдан), – деб келтиради.

Мазкур мисоллардан аён бўлаётирки, аз-Замахшарийнинг йилдан-йил келган «Жойлар, сувлар ва тоғлар» ҳақидаги китобининг нусхалари тўлиқ ва мукамал бўлмай, Ёқут ал-Ҳамавий Ут даврида фойдаланган нусха эса аз-Замахшарий асарининг мукамал нусхаси бўлган. Шу мисоллар юқоридеги зикр қилганимиз баъзи олимларнинг аз-Замахшарийнинг бу асари тўлиқ эмас (туғалланмай қолган ёки чала таҳрир қилинган) деган тахминлари ўринли эканлигини ҳам кўрсатади. Ина бир гап. аз-Замахшарийнинг бу асарида, кўпинча, Қуръоний Карим, Пайгамбаримиз алайҳиссаломнинг муборак ҳадиси шарифлари, Ислам дини тарихи билан боғлиқ жой-


лар номлари, жоҳилия ва бошқа қадимги даврдаги шоир-адибларнинг ижодларида учрайдиган исмлар: Абу Нуввос, Ибн Ҳоний, Ибн Муқбил каби машҳур шоирларнинг назмий асарларидаги латиф иборалар, ҳикмат ва мақолларга ҳам алоҳида эътибор берилган. Шу сабабдан ҳам бу асарни нафақат жўғрофий, балки филологик тусдаги асар ҳам деб ҳисоблаш мумкин.

Аз-Замахшарийнинг ушбу асари Шарқда ҳам, Фарбда ҳам бир қадар ўрганилган. Айтиб ўтганимиздек, дастлаб Европада голландиялик йирик арабшунос олим Т. В. Я. Йейнболл (1802-1864)нинг шогирди арабшунос М. Сальверда де Граве томонидан чуқур таҳлил этилган ҳолда 1856 йилда Лейденда чоп этилган бўлиб, ҳозирги вақтда бу нашр ҳам кам топилади. Сўнгра Нажафда (Ироқ) аз-Замахшарий асари қайта нашр қилинган бўлиб, ушбу нашр тижорат мақсадида бажарилганидан ҳам унда қатор хато ва камчиликларга йўл қўйилган. Бундан йигирма саккиз йил олдин, яъни 1968 йилда Бағдоддаги ас-Саъдун матбаасида аз-Замахшарий асарининг доктор Иброҳим ас-Самарайи томонидан бажарилган янги нашри чоп этилди. Мазкур хайрли ишни тайёрлашда олим юқорида зикр қилганимиз икки (Лейден ва Нажаф) нашридан ташқари аз-Замахшарий асарининг бошқа икки қўлёзмасига ҳам таянган.

Улардан бири Туркиядаги Аҳмад ас-Солис кутубхонасидаги қўлёзма бўлиб (2743 рақамда), катта ҳажмдаги ўттиз уч варақдан борат. Қўлёзма 622 ҳижрий (1225 милодий) йилда муаллиф (аз-Замахшарий)нинг асл нусхасидан хаттот Али ибн Муҳаммад ал-Хижофий томонидан кўчирилган. Тадқиқотчи-доктор Иброҳим ас-Самарайи мазкур қўлёзманинг Араб мамлакатлари лигаси қошидаги қўлёзмалар институтида сақланганидан фотосуратидан фойдаланган. Иброҳим ас-Самарайи фойдаланган иккинчи қўлёзма ҳам Аҳмад ас-Солис кутубхонасида сақланиб, 62 катта варақдан иборат. Бу нусха 658 ҳижрий (1260 милодий) йилда чиройлик насх хатида кўчирилган бўлиб, хаттотнинг қўли билан «Ушбу нусха асли билан муқобала қилиниб, тасҳиҳ этилди (тузатилди)» деб ёзиб қўйилган. Лекин ушбу нусха Иброҳим ас-Самарайи фойдаланган биринчи (2743 рақамли) қўлёзмадан эмас, бошқа қўлёзмадан кўчирилганлиги аниқланган. Бинобарин, аз-Замахшарий асари ўша

даврда кенг тарқалиб, бошқа нусхалари ҳам мавжуд бўлган-
диги маълум бўлди. Мана шу икки нашр ва икки қўлёзмага
таъиниб профессор олим Иброҳим ас-Самарай буюк ватандоши-
мига ас-Самарайнинг «Жойлар, сувлар ва тоғлар» ҳақида-
ги китобининг мукаммал илмий нашрини чоп этганлигини мин-
натдорлик туйғуси билан қайд қилиш лозим. Буюк бобомиз
тиваллудининг 920 йиллиги муносабати билан алломанинг
бошқа асарлари қаторида ушбу жўғрофий луғати ҳам ҳар то-
монлама чуқур ўрганилиб, ўзбек тилига таржима қилинса, фой-
далани холи бўлмайди, деб умид қиламиз.



A decorative border with a repeating floral and geometric pattern surrounds the text.

Шайх Муҳаммад Абу Заҳро
«АЗ-ЗАМАХШАРИЙ
ДАҲОСИ»

«АЗ-ЗАМАХШАРИЙ ДАҲОСИ»

Ҳижрий олтинчи (мелодий ўн иккинчи) асрнинг учдан биринчи бўлагида Маккаи мукаррамадаги Байтуллоҳ ал-ҳарамга кирган ҳар кимса ал-адаб толиблари, шеърият ровийлари, мавъизалар ва нақл қилиб ҳикмату-насиҳатлар йиғувчи илм шайдолари, тафсир, Қуръони каримнинг бошқа илмлари ва пайғамбар алай-ҳиссаломнинг ҳадислари талабида бўлган илм толиблари чор атрофини ўраб олган бир кишини учратарди. Иймон-эътиқоди ғоятда кучли, илми-маърифати кенг, фикр мулоҳазаси ўткир бу кишининг жисми жасади заиф эди. Унинг бир оёғи кесилган бўлиб, унинг ўрнига ёғочдан оёққа ўхшатиб ясатиб олган, шу боисдан ҳам юрган пайтда уни узун ва кенг яктак билан бекитиб оларди, кўрган одам уни оёғи кесилган одам эмас, балки чўлоқ экан, деб ўйларди. Ўзининг жисмоний ногиронлигини билдирмай, ушбу жисмий қусурини писанд қилмас ва ҳар хил шубҳаларни барта-раф этиб, одамларга тажаммул жиҳатидан у шундай қиларди. Мана шу инсон ўз ҳаётининг катта қисмини Байтуллоҳ ал-ҳарамга мужовир (қўшни бўлиб яшаш)ликни ихтиёр қилди ва шу боисдан ҳам у Жоруллоҳ («Оллоҳнинг қўшнис») деган шарафли лақабга муяссар бўлди. Унда зуҳур этган буюк иқтидор туфайли ҳам минглаб илм толиблари унинг атрофида уймалашиб, турли илмлар бўйича қиёмига чиқиб етилган унинг сархил меваларидан узардилар. У фиқҳ масалаларидаги саволларга ҳам жавоб қайтарар, араб калималари-ю иборалари бўйича эса у чексиз-чегарасиз бир денгиз мисоли эди. Ўз илмий мажлисларида хилма-хил ҳикмат ва мавъизаю ҳасаналарни улашиб берувчи бир донишманд ҳаким эди. Айни вақтда у ақоид масалаларидаги мунозараларда унга далилу исботлар оқиб келувчи мутакаллим ҳам эди. У Қуръони каримнинг муфассири (тафсир қилувчиси) бўлиб, у муқаддас китобдаги баёний ишоратларни нозик бир завқ билан англаб етган, ундаги етук маъно ва лафзларни биргаликда улкан

қилиб бир оёғим синди, оғриқ жуда кучайиб босилмаганидан оёғни кестиришга мажбур бўлдим».

Бу қиссадан икки хулоса қилиш мумкин: улардан бири онаси қалбининг кўнгилчанлиги, унинг меҳр-шафқати лутфи ва қандай шароитда бўлмасин, аламзадали ишни кўрганда изтироб чекиб мутаассир бўлиши – раҳмдиллик ихлосли мўминнинг сифатларидандир, иккинчиси, аз-Замахшарий ўзи гарчанд муътазилий оқимига мансуб бўлсада, ҳар бир ишни асл сабабига йўяди. Унинг иймон-эътиқоди мустаҳкамлиги Аллоҳу таоло тақдир этганига биноан эди. Чунончи ҳар бир нарса Аллоҳ томонидан муқаддар, онаси дуосининг мустажоб бўлиши ҳам Аллоҳ томонидан муқаддар этилганига қалбан ишонади Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ўз бандасининг пешонасига нимани ёзган бўлса ҳеч бир каму кўстсиз, Унинг (Аллоҳнинг) билганию иродат этгани ва муқаддар кўргани ҳеч бир ўзгаришсиз бўлиши муқаррардир.

Илмий муҳитда улғайиши

Вақтики, ислом илму ирфони Куфа, Басра, Бағдод каби шаҳарлардан ҳамадон, Рай ва Хоразм ўлкасига кўчиб ўтди, ҳижрий бешинчи ва олтинчи асрларда ана шу шаҳарларда дунёга келиб яшаган кўплаб алломаларининг қатор исломий ва фалсафий дурдоналари араб тилида пайдо бўлди. У буюк зотлар илмфаннинг турли соҳалари, айниқса, фикҳ, тасфир, луғатшунослик ва адаб илмлари бўйича нодир ва қомусий асарларни яратдилар ва тарқатдилар.

Бу баракатли замндан Бадий уз-Замон ал-Щамадоний, ал-Хоразмийга ўхшаган буюк олимлар ва адиблар, «Китоб ал-муҳаззаб фи-л-фикҳ-л-муқорин»нинг соҳиби аш-Шерозий, Баҳр ал-илм Фахриддин ар-Розий, Соҳиб ал-ҳикмат ал-ғаззолийга ўхшаш кўплаб муфассир ва фақиҳлар, «ал-Милал ва-н-ниҳол»нинг соҳиби аш-Шаҳристоний, муаррих, математик ва файласуф Абу Райхон ал-Беруний каби турли-туман илмларнинг етук алломалари етишиб чиқдилар.

Аз-Замахшарий ўз туғилган қишлоғи Замахшардан Бухорога келиб, ундаги кўзга кўринган олимлардан ҳанафий мазҳаби бўйича фикҳ илмини олди. Чунончи, ўша пайтдаги у ўлкалардаги ҳанафий фақиҳ олимлар фикҳ, жадал ва усул илмларида юксак мақом-

ни эгаллагандилар. Ана шу даврда улар орасида алломаларнинг қўеши (Шамс ул-аймма) ал-Ҳилвоний ва унинг шогирди, шамс ул-аймма ар-Ризо бор эдики, у Абу Ҳанифанинг дўсти Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбоний китобларининг шарҳловчисидир.

Аз-Замахшарий ҳадис илмини Бухородаги машҳур муҳаддислардан ўрганди, ундан кейин адаб илмидан таҳсил олиб ташиқли ровийларнинг илм ал-адабга доир турли туман ривоятларини ҳам ёдида сақлаб қолди. Мана шу тариқа ёш аз-Замахшарий илм-фаннинг улкан дарахларидан энг сара меваларни узиб олишга муяссар бўлиб, улардан пишиб етилганларининг гултожига эга бўлдики, бамисоли улардан тўйиб-тўйиб, камолига етказиб озуқа олди. Мана шу маънавий озуқалар унинг дилида шарақлаб турган фараҳбахш илму ирфон эди. Шундан кейин у турли илмлар бўйича асарлар таълиф эта бошлади. Пайғамбар шайхиссаломнинг суннатлари, ҳадислари ва улар ривоятларига бағишлаб «Ал-Фоиқ фи ғариб ил-ҳадийс» асарини ёзди. Бу асар чиндан ҳам ўз номига монанд юксак (фоик) асардир. Балонат масалаларига оид «Асос ал-балоғат»ни яратди. Бу китоб ўзига хос бир асар бўлиб, нафақат айрим калималар, балки иборатларни амалда қўллаш бўйича йирик бир қомусдир. Булардан бошқа «Китоб жавоҳир ал-луғат», «Муқаддамат ул-адаб» асарларини кўрсатиш мумкин. Ёқут ал-Ҳамавий ўз асари «Муъжам ал-удабо» («Адиблар қомуси»)да алломанинг кўп сонли асарларини бирма-бир санаб ўтган. Шу боис бу масалада у асарга мурожаат қилиш лозим. Эҳтимол аз-Замахшарийнинг энг йирик, унинг номини абадий барҳаёт қилган асари «ал-Кашшоф» китобидир.

«Ал-Кашшоф» – Қуръони карим тафсири

Аз-Замахшарий ушбу асарини яратишга бошқа биронта ҳам китобига кўрсатмаган алоҳида эътибор билан ёндошди. Чунки Қуръони каримга бағишлаб тафсир ёзиш – бу ғоятда шарафли ва жиддий ишдир. Бу мураккаб ишнинг юқори нуқтаси шундан иборатки, илм ал-баён ва унинг завқидан юксак малака ҳосил қилмасак, Қуръоний илмлар ва пайғамбар алайхиссаломнинг ҳадисларидан чуқур билим олмаган, Расулуллоҳнинг ҳаётла-

ри, у зоти шарифнинг сийратларидан ҳаққоний ва ишончли билимга эга бўлмаган киши Қуръони Каримга тафсир ёзишга журъат этолмайди. Шулар билан бирга муфассир катта ақлидроккаю мунаввар қалбга, ҳассос руҳий салоҳиятга ҳам эга бўлиши зарур. Яхшиси Қуръони Каримга тафсир ёзувчининг сифатлари ҳақида аз-Замахшарийнинг сўзини эшитайлик. Бу хусусда у разияллоҳу анҳу шундай ёзган: «Қуръони Каримга хос бўлган икки илм илм ал-маоний ва илм ал-баённи чуқур эгалламаган бирор киши ҳам унинг (Қуръоннинг) ҳақиқатлари ҳақида гапиришга ҳақли бўла олмайди. Бошқа кўп илмлардан етарли илмлар ҳосил этиб, Расулulloҳ муъжизаларининг моҳиятини англашга ўта киришган кишигина ҳақлидир, (у киши) таҳқиқ (ҳақиқатни аниқлаш) ва ҳифзни ўзида жам этиб, кўп мутолаа қилиб, узоқ муддат такрор қиладиган, замона зайлига мос иш тутадиган ва унинг ўзи ҳам тан олиниб рад этилмайдиган киши бўлиши лозим. Шу билан бирга у (муфассир) табиати-га жиловланган тусда эрк берадиган, иқтидорини ярқиратиб зоҳир қиладиган, руҳонияти бардам, бир қарашда идрок этадиган закийлик фазилатига эга, диққат-эйтибори зиёда, гарчанд баъзан ўрнига тушмасада, у қўпол ва қотиб қолган бўлмаслиги, ғализ ва жофий (қийновчи) бўлмаслиги керак. У назм ва наср услубларидан ғоятда хабардор бўлмоғлиги лозим. Кўп ҳолларда у (муфассир) калималарга қандай тартиб берилиб, қандай таълиф этилишини, қандай назмга солинишини, тавсифифодасини ҳам билиши лозим».

Мана шулар Қуръони Карим тафсирига киришиб, унинг иъжозий (Қуръоннинг идрок этиши қийин муъжизалари) ўринлари, унинг балоғати сир-асрорини билишни истаганларнинг сифатларидир. У ўзининг ушбу билимлар майдонининг оқибатларидан (яъни эгаллаганлардан) эмас, деб ҳисобларди ва шу боисдан ҳам у ўз фаолияти бунга қодир эмас, деган андиша билан ушбу маслақдан қадам босиш хусусида фикр ҳам қилмаганди. Лекин муътазилий оқимига мансуб ўз биродарларига Қуръони Карим маъноларини ўргатди, улар араб тили ва дин усуллари илмларини ўзлаштирган эдилар. Кейин аз-Замахшарий уларга Қуръони Карим оятларини тафсир қилиши билан ушбу гуруҳдагиларни ҳайратга солгач, улар унинг бу ишга муносиблигига ишонч ҳосил қилиб, ундан ўзлари учун Қуръони Карим сирларини очадиган бир тафсир ёзишни илтимос қилиб сўрадилар.

«Ал-Бақара» сурасини тафсир этиб, бошқа суралар тафсиридан узр сўраши

Лекин, аввалига, аз-Замахшарий бу ишнинг улканлигидан улардан узр билдирган билан, улар роса ўтиниб сўрагач, улар учун ал-Бақара сурасини имло қилади ҳамда бошқалар унга тақлид қилиб, унинг йўлига эргашиш учун фақат шу бир сура тафсири билан кифояланади. Аллома ўзи имло қилиб берган ал-Бақара сурасининг тафсирида тафсилотини ҳам шарҳлаб, шу билан чегараланганди; зеро унинг ёши ҳам кексалик томон шиддат билан шошиларди. Алқисса, унинг жидду жаҳдини ҳаракатга келтириб, у бошлаган ишини тамомига етказишида бир ҳодиса рўй берди. Бу шундан иборат эдики, аз-Замахшарий Байтуллоҳ ал-ҳарамга иккинчи марта қайтиб мужовирликни иродат этган бўлиб, ҳар гал илм аҳлларида иборат бир тоифа ёнидан ўтганда ўзи битган тафсирини ўқиш завқи пайдо бўларди. Қачонки у Аллоҳ таоло амниятни муяссар кўрган Маккаи мукаррамада макон тутиб ўргангач, Макканинг амири (шарифи) Абу-л-Ҳасан Али ибн Ҳамза ибн Ваҳҳосни учратиб – у эса олимнинг қалбида юксак мақомни эгаллаган инсон эди – аз-Замахшарий ҳижоздан қайтиб бўлган пайтида дилида юз берган фироқлик аламларини аз-Замахшарий имло этган Қуръони Карим тафсиридан ўша бир бўлакни (ал-Бақара сурасини) эшитиш учун ҳатто чўлу биёбонларни босиб Хоразмга, унинг ҳузурига келишгача тайёр бўлганлигини сўзлайди ва олимдан бошлаган тафсирини охирига етказишини илтимос қилади.

Еттинчи ўнликда (етмиш ёшда) бошлаган ишини тамомлашга киришиши

Ўзи бошлаган (хайрли) ишни поёнига етказиш зарурат эканлигини аниқ бўлди. Лекин бу вазифани ўзи бошлаган услубда уддалаш учун жисмоний қувватни қаердан олади – ёш ҳам еттинчи ўнликка (етмишга) ўтиб қолганди. Бу ҳақда алломанинг ўзи: «Араблар даққоқат арриқоб» (ўлим) деб атайдиган ўнлик (олтмиш)ни уриб қўйибман. Шу боис кўпдан-кўп фойдали мулоҳазалар ва сирларни чуқур тадқиқ қилиш кафолати билан олдинги услубга қараганда мухтасарроқ бир йўлни танламадим», –

деб ёзади. Натижада, аллома ушбу тафсирни икки йилдан камроқ вақтда ёзиб тугаллади. Шу пайтда у Байтуллоҳга мужовир (қўшни) яшаб, ўз дўсти Макка амири Ибн Ваҳҳос билан яқин муносабатда бўлди. Бу ҳақда унинг ўзи ҳикоя қилиб: «Ҳар бир оятнинг ана шу ал-Байт ул-Муҳаррам (муқаддас уй)нинг мўъжи заларидан, менга тўлиб-тошиб насиб бўлган барака эса мана шу ал-ҳарам ал-Муаззамнинг баракатларидандир», – деб таъкидлаган.

Аз-Замахшарий яратган тафсир, ундан бошқа тафсирларда бўлмаган фазилатлар билан ажралиб туради. Чунончи муфассир Қуръони каримдаги балоғат сирлари ва унинг ўта нозик иъжозларини яхши билади. Ундан муқаддам ҳеч бир кишининг ақл-идроки бу муаммоларни ҳал этишга етмай, фақат у шундай пок мақомга етишди. Аз-Замахшарийдан кейин яшаб Қуръони Каримга баъний тафсир ёзганлар ундан жуда кўп иқтибос қилдилар. Улардан баъзилари, гарчанд унинг даражасига етмаган бўлсаларда, тақлид қилиб унга эргашиб тафсир битдилар, лекин аслий ва тақлидий фикрлар орасидаги фарқ очиқ-ойдин кўриниб турарди. Бирон муфассир ҳам унинг тафсири даражасига боғлиқ бўла олмади, аз-Замахшарий етган буюк таъбирни изҳор қила олмади.

У, энг аввало, маънони зикр қилиб, шундан кейин «агар етсангиз» (ин қулту) деб ўз фикрини билдиради. Мана шу услубни аз-Замахшарий ал-Бақара сурасидан бошлаб қўлланган эди. Бу услуб мўътазилия оқимидагиларга хос бўлган муноқаша ва мунозарага риоя қилишнинг ўзи эдики, чиндан ҳам улар бу масалада (мунозарада) ўта қобилиятли эдилар.

«Ал-Кашшоф» асарида ал-Бақара сураси муфассал тафсир этилсада ундан сўнгги оятлар мухтасар ҳолда баён этилган. Муаллифнинг ўзи бунинг сабабини баён қилган. Ал-Бақара сурасига ёзилган тафсир у куч-қувватга тўлган пайтда, қолган (иккинчи) қисми эса кексалик пайтида ёзилиб, уни муаллиф тақдир тақозоси (вафоти)дан олдин тугатишни иродат этганди. Шу боисдан ҳам ҳисоблаб кўрилса, тафсирнинг тугатиш зарурати билан боғлиқлиги аниқ бўлади. Шу нарса қизиқарлики, аз-Замахшарийга эргашганлар ва унга тақлид қилганлар, у нимани аъло даражада бажарган бўлса, улар ҳам аъло даражада қилганлар. У нимани рад қилган бўлса, улар ҳам рад қилганлар. У бу услубнинг узрли томонларини топган, лекин кейингиларда

ҳеч қандай узрли ҳолат бўлмай, бу фақат улар фаолиятининг заифлиги, иқтидори етишмаганлиги ва идрокининг йўқлигидан эди.

Аз-Замахшарий – ваъзхон

Аз-Замахшарий яшаган асрда мақомотларга бағишлаб ёзилган кўплаб китоблар пайдо бўла бошлади. Шулар жамласидан Баъди уз-Замон ал-Ҳамадонийнинг «Мақомотлар» асари ва бошқаларни айтиш мумкин. Ўша даврда яратилган адабий китоблар рисолат (қофиясиз) тарзида бўлмай, масжуж (сажъ, қофияли) услубда битиларди. Бинобарин, бадий насрда сажъ ҳукмронлик қиларди аз-Замахшарийга ўхшаш бўлмаганди. Луғатда далил талаб қилишлик ижодий комил ёзувчи (котиб)га хосдир, акс ҳолда мунозарачилар билан кенг қамровли мунозара қиларди, лекин у ҳам адабий китобати сажъни ишлатарди, маънони юксак даражада англамасдан бирон иборани ҳам келтирмасди. У бошқаларга асло ўхшамасди, хусусан, китобий ва насрий амалиётида. Аксинча, у усулий олим, фақиҳ ва мутакаллим (калом илми бўйича олим) бўлиб, унинг учун биринчи ўринда ибора (лафз) бойлиги эмас, маъно бойлиги турарди. Илм талабида қилган кўплаб саёҳатларида ва муқаддас Байтуллоҳ ал-ҳарамга мужовир (қўшни) яшаганлигида олган тажрибалари, шубҳасиз, аз-Замахшарий тафаккури дунёсини кенг уфқларга жавлон урдиргандики, (натижада) унинг илмий салоҳияти ҳар томонлама намоён бўлганди. Жумладан, унинг насрий меъроси қофиясиз гўзал ҳикматлардан иборат эди. Бу борада унинг ҳар жиҳатдан пишиқ, камолига етган рисоалари борки, уларнинг маънолари ўзига хос бетакрор, иборалари ўта нафисдир. Улар бамисоли тўй либосига бурканган соҳибжамол келинчақдай эдилар. Мана шу рисоаларидан: «Атвоқ уз-заҳаб» («Олтин шодалар»), «Ал-калим ан-навобиг фи-л-маъвоиз» («Мавъизаларда нозик иборалар»), «Насоих ал-кибор» («Катталарга насиҳатлар»), «Насоих ассиғор» («Кичикларга насиҳатлар»), «Мақомот фи-л-мавоъиз» («Мавъизаларда мақомлар»), «Нусхат ал-мустаънис» («Дўстлар фароғати»), «ар-Рисолат ан-носиҳа» («Насиҳатгўй рисолат»), «Рабийъ ал-аброр» («Ҳақгўйлар баҳори»), «Дий-

вон хутаб» («Хутбалар девони»), «Дийвон расоил» («Рисо-
лар девони») ва булардан бошқа доно ғояларни ўзида мужас-
сам қилган биродарлик (Аҳавий) рисолаларини кўрсатиш мум-
кин. Келингчи, унинг «Атвоқ уз-заҳаб» («Олтин шодалар»)
номли китобидан бир ҳовучини қўлимизга олиб кўрайлик. Бу
алломанинг бошқа китобларига ҳам далолат беради. Бу пар-
чада инсонлар ва замонларнинг тағайюри (ўзгарувчанлиги)
хусусида гап боради: «Дунё (айланувчан) чархпалакдир, одам-
ларнинг ҳар бирини феъли атвори эса ҳар хилдир. Ҳар доим
бўладиган кори ҳолу ҳодисаларга кўра (кийим) кийган, ҳар
бир тоифанинг имконига қараб улар билан мужолиса қилгил,
ҳар доим ҳам кунлар сен истагандек (яхши) бўлвермайди, ҳар
сафар ҳам одамлар сенинг мурод мақсадингга розилик билди-
равермайдилар».

Аз-Замахшарий яна: «Омадсиз юрт ҳақида сенга гапириб ҳам
ўтирмайди, чунки у юртда золим ҳоким ҳукм суради. Адолатсиз
юртдан ҳам узоқда бўлинг гарчанд шу юрт эгасидан (саййиди)
кўра ҳам азиз ва беҳисоб бойлигу фарзанддан баҳраманд аҳли-
дан бўлсангда».

Бинобарин, аз-Замахшарий ҳокимлар, амрларнинг дастур-
хонига таъма қилиб яшамади. Шу боисдан ҳам аллома ула-
мо фикрлари, амирларнинг хоҳишларига қарам бўлишликни
қабул қилмади. Бу хусусда аллома: «Нопок уламо шариат-
даги ўз вожиботини жамлаб уларни тартиб (тадвин) этганла-
ридан кейин уларни амрлари ихтиёрига топшириб беписанд
қилдилар». Илмий масалаларни қалбида ҳифз этиб, улар ибор-
раларини зеҳнида туйган, сабоқларда кўплаб илм толиблар
атрофини ўраб олган уламоларга эса қимор ва гардкам
(майср) ўйинларидаги каби фирромлик билан панд беради-
лар), – деб изтироб билан ёзади. Аллома пурҳимматлик руҳи-
ни кенгроқ қилиш ниятида «Бурун ўтган аждодларнинг шон-
шуҳрати билан чегараланиб қолма, чунки у шараф отангга
хосдир, сен эса ўша (олдинги) шарафга янгисини қўшгинки,
улар (отангники ва сеники) бирлашиб сенга кўпроқ шараф
келтирсин. Ўзинг шон-шарафга эга бўлмасанг, отангнинг ша-
рафини рўкач қилиб талтайма», – деб қатъий фикрини билди-
ради. Буюк алломанинг ана шу тарздаги гўзал иборалари ва
теран услубларда ифодаланган олижаноб ғояларни учратиш
мумкин.

Икки ҳақиқат

Аз-Замахшарий мероси билан бурканган илми ирфон бўстониغا қилган қисқа сайримизни тугатишдан олдин икки ҳақиқатни қайд қилиш лозимдир. Улардан бири бу муътабар аллома бирон бир амир-га хушомад қилгани билан танилмаган, унинг қайсидир ҳокимни мадҳ этганию ёки ўз қаламини фақат бирон ҳокимнинг хизматига қаратганини ривоят қилмайдилар. Алломанинг мактубларини ўрганувчилар, унинг мактубларида фақат дўстона муносабатларнинг муаттар машоирлари, оға-ини – биродарликнинг хушбўй ҳидлари, асл садоқатнинг ҳаётбахш руҳониятини кўриб, уларда бирон-бир амир-га лаганбардорлик қилганини сира учратмайди.

Иккинчи ҳақиқат – у ҳақиқатан ҳам нафақат ҳокимлар олдида, балки олимлар олдида ҳам шижоатли инсон эди. Ўша муътазилия мазҳаби ҳокимлар томонидан таъқиб қилиниб, уламолар бу оқимни қоралаган ва жамоат (омма) уни масхара қилган қалтис бир даврда аз-Замахшарий ўз эътиқодида у (муътазилия)ни танлаб, ўзининг бу ошқора фикрдан қайтмай ва қўрқоқлик қилмасдан, аксинча, уни ҳимоя ва унга даъват қилди. Ўша тафсир асари «Ал-Кашшоф»даги баъзи жузъий қарашларини айрим олимлар муътазилия аҳлининг мазҳабларидан кириб қолган деб ҳисоблаган бўлсаларда, лекин олимларнинг ҳаммаси бир овоздан бу жузъий талқинлар муфассирнинг асл мазмун моҳияти жиҳатидан соғлом фикрларига футур етказмаслиги ва муфассирнинг фикр мулоҳазалари ўта юксак дурдоналарни қамраб олганлигини изҳор этганлар. У ғоятда журъатли бўлганидан ҳам Қуръон яратилган (махлуқ)дир, деб очиқ-ойдин айтаверардики, бу муътазилия мазҳабининг фикри эди. Аҳвол шу даражага бориб етдики, ҳатто Қуръони Каримга бағишланган «Ал-Кашшоф» тафсири муқаддимасини «алҳамду-лиллоҳи аллазий халақа ал-Қуръон» («Қуръонни яратган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин») деб бошламоқчи бўлганди, лекин дўстлари уни бу фикрдан қайтариб: «Агар сен шундай қилсанг одамларнинг нафрати қўзғалиб, унда бу тафсирнинг ҳеч бир нафи бўлмайди», – деб туриб олдилар. Ана шундан кейингина муътазилия оқимидаги ўта тақводор бу инсон фақат одамларга фойдасию нафи бўлишлиги юзасидан ўз фикрдан қайтиб, китоб сўзбошида «алҳамду-лиллаҳи аллазий анзала ал-Қуръон» («Қуръонни нозил этган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин») деб ёзишга розилик билдирди.

Аллома аз-Замахшарий ўз рабби ҳузурига қайтиб абадиятга дахлдор бўлганига асрлар ўтди. Вафот этганларига саккиз юзу эллик йилдан ошди, лекин бутун башарият у зотнинг фикр-мулоҳазаларини таълимотларини сира эсдан чиқармайди, аллома ҳар доим одамлар қалбидан мустаҳкам ўрин олган...

Аслини олганда, жамийки инсоний ашёлар аста-секин унутилиб, ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетади, лекин инсон тафаккури, ақл-заковатию истеъдоди, ҳур фикр ва ҳулқ-атвори гўзал инсон, бутун вужуди нурга тўлиқ ҳақгўй аллома томонидан яратилган асарлар эса абадул абад барҳаётдир. Аллоҳим ҳар доим бизни ҳақ сўз айтишу ҳидоят йўлига бошлаган ва иҳдино ило сирот алҳамийд!

*Бу мақола Қувайтда чиқадиган
«Ал-Арабий» мажалласининг 1961 йил
декабр сонидан таржима қилинди*



АЗ-ЗАМАХШАРИЙ ВАТАНИ ЎРТА АСР АРАБ МАНБАЛАРИДА

Ўрта асрларда ёзилиб бизгача етиб келган араб манбаларида аз-Замахшарийнинг ватани Хоразмга оид кўпгина тарихий ва жуғрофий маълумотлар келтирилган. Ал-Муқаддасий, Ибн Хавқал, Ёқут ал-Ҳамавий, Ибн ал-Баттута, Ал-Қалқашандий, Ибн Арабшоҳ ва бир қатор ўрта асрларда яшаган араб муаллифлари Хоразмнинг ўтмиши, унинг шаҳарлари, хоразмлик олимлар, шоир ва адиблар, Хоразм аҳлининг урф-одатлари ва фазилатлари ҳақида талай асарлар ёзиб қолдирганлар. Шунингдек, манбаларда Хоразмнинг иқлими, унинг зироати, мевалари хусусида ҳам кўпгина маълумотларни учратамиз. Юқорида номлари келтирилган муаллифларнинг асарлари илмий жамоатчиликка яхши маълум бўлиб, уларда келтирилган маълумотлар Ўрта Осиё, хусусан Хоразм тарихига оид илмий тадқиқотларда фойдаланилган бўлса ҳам ҳали уларни тўлиғича ва ҳар томонлама ўрганилган деб бўлмайди. Бу асрларни чуқурроқ ўрганиш жараёнида Хоразм тарихига оид қатор маълумотларни учратиш мумкин. Хасрда яшаган араб сайёҳи ва жўғрофияшунос Шамсиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Муқаддасийнинг «Аҳсан аттақосийм фи маърифат ал-ақолийм» («Иқлимларни билишда энг яхши (тақсимлаш) бўлиниш») асарини кўрсатиш мумкин. У Хоразмда бўлганида Қатда (Жанубий Хоразм маркази) кўп олимлар, шоиру адиблар ва Қуръон ҳофизларини кўрганлигини ёзади.

Хоразм ҳақида ал-Муқаддасий келтирган турли туман маълумотлар жумласидан хоразмлик машҳур олим аз-Замахшарий (1075-1144) туғилган Замахшар қишлоғи ҳақида: «Бу Хоразмдаги катта қишлоқлардан биридир», – деб ёзган. XVIII асрда яшаган миср луғатшуноси Муҳаммад Муртаза аз-Забидийнинг «Тож ул-арус» («Келинчакнинг тожи») асарида «Замахшар - Хоразмдаги кичик бир қишлоқ», – деб ёзиши бу қишлоқни XVIII асрларга келиб ҳажм ва мавқе жиҳатидан ўз аҳамиятини бир қадар

Ёқутганлигини кўрсатади. Шу муносабат билан буюк ватандошимиз аз-Замахшарийнинг ўз туғилган жойи – Замахшар қишлоғи ҳақидаги фикри ҳам диққатга сазовордир. Ундан туғилган жойи ҳақида сўраганларида: «Мен Хоразмда, Замахшар деган номашҳур қишлоқда туғилганман», – деб жавоб қилган. Умуман, ўрта асрларда Хоразм кўпгина шаҳар ва қишлоқлардан ташкил топган бўлган. «Аҳсан ат-тақосийм»да ал-Муқаддасий шундай деб ёзади: «Бу (Хоразм) кўп сонли шаҳарларга эга ажойиб ўлка бўлиб, уй-жойларию, боғ-бўстонларининг чеки йўқ; узумзор, хилма-хил ўсимлик ва дарахтлари кўп, мева чевалар сероб ва савдо аҳли учун турли-туман хайрликлар кўп бўлиб, унинг (Хоразм) аҳлининг зеҳни ўткир, илм-фанда идрокли, фикр ҳақида яхши тангаллаган қобилиятли ва ўқимишли кишилардир». Ал-Муқаддасийнинг ушбу асарининг яна бир қимматли томони шундаки, унда Хоразм қишлоқ ва шаҳарлари ҳақида талайгина маълумотлар келтирилиб, улар ўртасидаги масофалар ҳам тўлиқ кўрсатилган. Ал-Муқаддасийдан кейинроқ яшаб ўтган араб космограф Шамсиддин Муҳаммад ибн Абу Толиб ад-Дамашқий (1256-1337) ўзининг «Нуҳбат ад-даҳр фи-ажойиб ал-барр ва-л-бахр» («Ер ва сув ажойиботи ҳақида давр термаси») асарида «Хоразм ўлкаси олтмиш минг қишлоқдан иборат», – деб ёзган. Ад-Дамашқийнинг бу асари тўққиз бобдан иборат бўлиб, у тарихий, жўғрофий ва табиий хусусиятга эга бўлган маълумотлар билан бир қаторда ботаника, зоология, минерология ва геологияга оид кўпгина фактларга ҳам бой.

Машҳур араб олими ва сайёҳи Ёқут ал-Ҳамавийнинг (1179-1229) «Муъжам ал-булдон» («Мамлакатлар қомуси») асари Хоразм, унинг аҳли ва шаҳарлари ҳақидаги кўпдан-кўп маълумотларни ўз ичига олган. Ёқут ал-Ҳамавий 1219 йилнинг бошларида Хоразмда бўлганида унинг пойтахти Гурганч – арабча Журжония, ҳозирги Кўҳна Урганчни зиёрат қилган. Бу ҳақда у: «Гурганж мен кўрган шаҳарлар ичида энг азими ва кўркаמידир», – деб ёзган. «Муъжам ал-булдон»дан қисқартириб олинган «Китоб ал-муштарик ваъзан ва-л-муфтарик суъбан» («Номлари шаклини хусусий, жойлашуви ўринларида фарқли») деган асарида Ёқут ал-Ҳамавий Кичик Гурганж ҳақида: «Шаҳар обод ва аҳолиси зич, бозорлари узундан-узун расталардан иборат экан», – деб ёзган. Муаллиф шаҳар олимларидан Абу Наср Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Али ибн Ҳамид ал-Гурганжийни зикр қилган. У диний

(илоҳият) илмларда шуҳрат қозонган бўлиб, дунёнинг кўпгина мамлакатларида саёҳатда бўлган ва бир қарча қимматли асарлар ёзган. Ёқут ал-Ҳамавийдан кейинроқ яшаб ўтган Миср олими Шаҳобуддин Абул Аббос ибн Али ал-Қалқашандий (1355-1418) ўзининг «Субҳ ал-аъша фи синоат ил-инша» («Иншо илмида шабкўрга дастак») асарида Ёқут ал-Ҳамавий ёзганларини деярли айнан келтирсада, бу асарда Хоразмга оид (айниқса, хоразмшоҳлар даврига доир) кўпгина тарихий ва жўғрофий маълумотлар ҳам бор. Ун тўрт жилддан иборат бу йирик қомусий асар ун қисмдан ташкил топиб, биз учун асарнинг, айтиқса, иккинчи қисми (яъни III-IV-V жилдлари) ғоятда фойдалидир.

Ўнинчи асрнинг охирларидан бошлаб Хоразмда илм-фан ва маданият ғоятда юксалганлиги билан ажралиб туради. Булар билан бир қаторда деҳқончилик, ободончилик, ҳунармандчилик, ташқи ва ички савдода ҳам сезиларли ўзгаришлар юз берди. Хоразмнинг бош шаҳарлари, айтиқса, унинг маркази Гурганда йирик шаҳарларга хос ҳаёт гуркираб ривожланади. Хоразмнинг маданий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида юз берган бу ижобий ўзгаришлар араб манбаларида ҳам ўз ифодасини топган. Х асрда яшаб ижод қилган араб сайёҳи Ибн ҳавқал ўзининг «Суврат ал-арз» («Ернинг сурати», бу асар «Китоб ал-масолик ва-л-мамолик», яъни «Йўллар ва мамлакатлар ҳақида китоб» номи билан ҳам аталади) асарида Хоразм ҳақида бир талай маълумотлар келтириб, унинг хорижий мамлакатлар билан савдо-сотифи алоҳида эътибор қозонганини таъкидлайди. Ибн Ҳавқалнинг ёзишича, хоразмлик савдогарлар кўпгина Шарқ мамлакатларига, Хитойгача бориб момиқ жун ва жун газламалар, ипак, соф шойи ва ҳар хил газламалар сотиб олганлар. Ҳар хил матолар ортиб Хоразмдан чиққан карвонлар Журжон, Ҳазария ва Хуросонга бориб савдо-сотик қилганлар. Хоразмдан олиб бориладиган моллар орасига гиламлар, шойи ва пахта газламалари, кўн ва ҳоказолар бўлган. Ибн Ҳавқалнинг ёзишича, Гурганч бозорларида мўйна кўп, бироқ нархи қиммат бўлган. Бунга мўйнани узоқдан, яъни Волга дарёси орқали булғорлардан келтирилиши сабаб бўлган бўлса керак. Ал-Муқаддасий эса Хоразмда мўйнанинг хилма-хил навлари бўлганлигини ҳам ҳикоя қилган.

Хоразмнинг об-ҳавоси, айтиқса, қиш пайтидаги қаҳратон совуғи кўпгина араб муаллифларининг назаридан четда қолмаган. Ҳартугул иссиқ ўлкаларнинг вакиллари – араблар Хоразмнинг

«бениҳоя қаттиқ совуғи» ҳақида кўп ҳикоялар ёзиб қолдирганлар. Машҳур араб тарихчиси ва биографи Ибн Халликон (1244-1288) ўзининг «Вафойат ал-аъён» («Аъёнларнинг вафоти») асарида Хоразмда бир талай одамларнинг қаттиқ совуқдан музлаб ўлганлиги ҳақида ёзади. Бир қатор араб манбаларида хоразмлик буюк ватандошимиз, машҳур олим аз-Замахшарийнинг бир оёғи чўлоқ бўлиб, у ёғоч оёқда юрганлиги ривоят қилинади. Ўз асарларидан бирида аз-Замахшарий шундай деб ёзади:

«Фазилат нарвонида соғ (одамлар)дан юқори чиққан қанчадан-қанча чўлоқларни кўрдим (кўрганман), шунингдек, хайр-оҳсон бобида бир қадам ҳам босмаган қанчадан-қанча соғ (оёқли)ларни ҳам кўрганман». Афтидан бу сўзлари билан аз-Замахшарий ўзининг чўлоқлигига ҳам ишора қилаётган бўлса керак. Ёзма манбаларда унинг чўлоқлиги ҳақида турли тахминлар келтирилган. Мана шу тахминлардан бири Хоразмнинг қаҳратон совуғи билан боғлиқдир. Араб тарихчиси ва биографи ал-Йафий (у 1366 йилда вафот этган) ўзининг «Миръот ал-жинон» («Бўстонлар кўзгуси») асарида аз-Замахшарий қаҳратон совуқ пайти сафар чоғида бир оёғини совуққа олдирилганлиги, бу воқеа юз берган пайтда у билан бирга бир гуруҳ кишилар ҳамроҳ бўлиб, ҳар хил шубҳалардан хавотир олган ушбу кишилар бу гапнинг тўғрилигини тасдиқлашгани ҳақида ёзган.

Ёқут ал-Ҳамавийнинг ёзишича, Жайхун (Амударё) дарёси қишда музлаб устида карвонлар, филлар, от-уловлар ва бошқа ҳайвонлар бемалол ўтган. X асрда яшаган муаллиф Ибн Фазлон Жайхун йилида уч ой мобайнида муз билан қопланиб туради деб ёзса, 1333 йилда Хоразмда бўлган машҳур араб сайёҳи Ибн Баттута (1304-1377) Жайхун дарёсини беш ой давомида муз қоплаб туради, деб ҳикоя қилади. Таниқли араб адиби ва тарихчиси Абу Мансур ас-Саолибий (961-1038) ҳам Хоразмнинг қаҳратон қиши ҳақида шеърлар ёзиб қолдирган.


Араб манбаларида Хоразмнинг мева-чеваларига бағишлаб ёзилган сатрлар ҳам жуда кўп учрайди. XII асрда яшаган араб сайёҳи Абу Ҳамид ал-Ғарнотий (1080-1169) дунёнинг кўп мамлакатларида, жумладан, Хоразмда ҳам бир неча марта бўлган. У ўзининг «Тухфат ал-албоб ва нухбат ал-аъжоб» («Оқиллар туҳфаси ва ажойиботлар сараси») асарида Хоразмнинг хилма-хил мевалари ва набототлари ҳақида: «Хоразм мамлакати юз фарсахга (фарсах 6-8 кмга тенг масофа) чўзилган бўлиб, унинг кўп

шаҳарлари, қишлоқлари, рустаклари ва қўрғонлари бор. Унда (Хоразмда) мен ўзим зиёрат қилган ҳеч бир ўлкада кўрмаган мевалар ўсади. У ерда қовуннинг шундай навлари борки, улар ғоятда мазали, ширинликда эса қанд ва мумли асалдан ҳам зиёддир», – деб ёзган. Дарҳақиқат, ҳар хил мевалар, айниқса, Хоразмнинг қовунлари азалдан ғоятда машҳур бўлган. Қовунчилик Хоразмнинг энг муҳим зироатидан ҳисобланади. Хоразм қовунларининг донғи ҳатто узоқ ўлкаларгача – хорижий элларга ҳам бориб етган. Шу боисдан ҳам ўрта аср араб манбаларида Хоразм қовуни ҳақида кўпгина маълумотлар келтирилган. Юқорида зикр қилинган Абу Мансур ас-Саолибий ўзининг «Латоиф ал-маориф» («Латиф ахборотлар») асарида IX асрда Хоразм қовунларини Ироққа, аббосийлар халифалари ал-Маъмун (у 813-847 йилларда ҳокимлик қилган) ва ал-Восиққа (у 842-847 йилларда ҳокимлик қилган) атрофи муз билан ўралган қўрғошиндан ясалган махсус идишларда (Бағдодга) етказиб берганликлари ҳақида ёзади. Бу ўринда юқорида зикр этилган машҳур араб сайёҳи Ибн Баттутанинг ёзганлари ҳам диққатга сазовордир. «Ислом дунёсининг на ғарбидаю на Шарқида Хоразм қовунига тенг келади-ган, ундан кейин Бухоро ва сўнг Исфахон қовунини ҳисобга олмаганда, қовун йўқдир. Унинг пўчоғи яшил бўлиб, гўшти эса қизғишдир, гарчанд қаттиқ бўлса ҳам ғоятда шириндир. Ажабланарлиси шундаки, уни тилим-тилим қилиб кесиб қуёшда обдан қуритадилар ва сават идишга солиб сақлайдилар. Бизлар гўёки анжирни саватга солганимиз каби улар бу қовунларни саватга соладилар ва шу тахлитда Ҳиндистон ва Хитойга ҳам олиб борадилар. Қуритилган мевалар ичида бундан ширини бўлмаса керак. Мен Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида бўлганимда сайёҳларнинг бу ерга келганини билиб, улардан қовунқоқи сотиб олиш учун бирорта кишини жўнатардим. Ҳинд подшоҳи эса, гарчанд унга озгина миқдорда қовунқоқи келтирган бўлсалар ҳам, менинг қовунқоқига ўчлигимни билгани учун ундан бир миқдорини менга бериб юборар эди. Ҳинд подшоҳи ўз юртига келган мусофирларни бу ерда ўсган мевалар билан меҳмон қилишга одатланган бўлиб, бу билан у уларга ўз ғамхўрлигини билдирган бўлар эди». XV асрда яшаган араб тарихчиси Ибн Арабшоҳ (1389-1450) ўзининг «Ажоиб ал-мақдур фи тарихи Таймур» («Темур тарихида тақдир ажойиботлари») номли машҳур асарида Ўрта Осиё тарихига оид кўпдан-кўп маълумотлар орасида Хоразмга доир

ҳам талайгина маълумотларни келтирган. Асарда Хоразмнинг шаҳарлари, унинг олиму адиблари, табиблари ҳақида бир қатор фактлар бор. Хоразм аҳли ҳақида Ибн Арабшоҳ: «Хоразмликлар ҳам латофатда бамисоли Самарқанд аҳли мисоли бўлиб, мусиқа ва ашулада ғоятда юксак маҳорат қозонганлар, бу борада улардан барча халойиқ – хосу авом иштирок қилади», – деб ёзган. Яна Ибн Арабшоҳ: «Хоразмликлар ҳақида (ажиб) нарсалардан шу машҳурки, агар уларнинг бешикда ётган (чақалоқ) боласи йиғласа ёки оҳ деса, бу товушдан «дугоҳ» мақомининг куйи янграйди», – деб уларнинг санъат ва мусиқага ёшлиқдан ихлос қўйганларини таъкидлайди.

Юқорида келтирилганлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўрта аср араб манбаларини чуқур ва ҳар томонлама мукамал ўрганиш азалдан Ўрта Осиёнинг йирик маданий ва иқтисодий марказларидан бири бўлган Хоразм тарихини тўлароқ ёриштириш учун муҳим маълумотлар бериши шубҳасиздир.





Маҳмуд аз-Замахшарий

«НАВОБИҒ АЛ-КАЛИМ»
(Нозик иборалар)

* * *

Эй, Аллоҳ! Ушбу (қалбимдан) сиртга балқиб чиққан нозик калимаю ибораларни менга инъом қилишинг, менга нисбатан файзинг ва иноятингни дариф тутмаслигинг – булар ҳаммаси комил неъматларинг туфайлидир.

* * *

Бир тоифа одамлар борки, уларнинг тўшаклари ғафлат бешиқларига обдон белангандир. Уларнинг кўзларида бами соли қоплонлар сингари бедорлик (уйқусизлик) оз (кам) бўлади.

* * *

Эй, Рабб, Ўзинг суйиб ато этган нарсаларга етишувимизди бизнинг қўлимиздан тутиб етакла ва хасталанган кўнгилларимизга шифо бағишлаб, тузалишига йўл кўрсатиб, далолат бер.

* * *

(Пайғамбарга мурожаат). Биздан кўра сен Аллоҳга яқинсан ва дуоларга энг кўп ижобат этгувчисан!

* * *

Тўғри ва пок бўлган Омина ўғли (Муҳаммад алайҳиссалом)нинг имон келтир. Қиёмат кунда қўрқуви бўлмаган бир хотиржам руҳ каби бўлурсан!

* * *

Отага нисбатан бошқага кўра шарафлироқ ва машҳурроқ, яъни фалончининг ўғли деб аталар, аммо она эса доимо шафқатли ва матлаблироқдир.

* * *

Ёки илмли бўл, ёки илмга таяниб иш тутадиган бўл, лоақал илмни тинглаб эшитадиган бўл, бироқ тўртинчиси бўлма, чунки касодга учраб ҳалок бўласан (жувонмарг бўласан).

* * *

Агар бирор қайғу алам юз бергани ёки таъзияли жойни эшит-
нинг, дарҳол у ерга бор, агар зиёфату меҳмондорчиликка чақи-
рилсанг, унда ўзинг ўйлаб иш тут (ўзинг биласан).

* * *

Одамларнинг энг хотири кучлиси уларнинг энг унутувчиси-
шр, кўнгилларнинг энг юмшоғи салобатлигию шафқатлисидир.

* * *

Мол-мулкни беҳуда исроф қилиш куфрона «неъматдир». Ўйла-
масдан бойлигини сарфлаш тўлиқ таназзулга олиб келади.

* * *

Подшоҳнинг энг яқин кишиси яқинларнинг ичидаги энг улу-
ғидир, хавф-хатар пайтларида уларга (хавф-хатарга) яқинроғи-
шр.

* * *

Тоғнинг энг тепасига (чўққисига) чиққан киши ундан йиқи-
лудан ғоят кўп огоҳ бўлмоғи лозим.

* * *

Худо кўрсатмасин, агар сени оғир қайғу-ҳасратларнинг куч-
ли сллари ўраб олса, унда дод-фарёду фиғонларинг фойда бер-
мас.

* * *

Агар сенга нисбатан ўз биродаринг бирор хиёнат қилса, унга
яқинлашишдан ўзингни тий, унинг макру ҳийласидан ўзингни
муҳофаза этишга ҳаракат қил.

* * *

Имом Аъзам Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит ҳазратларининг
маънабига мансуб бўлган муътабар, қадрли ва этиборли имом-
лар дини исломнинг тизгинларидир.

* * *

Пасткаш кимсанинг ўз насл-насабини мақтаб, у билан фахр-ланиши, чанқоқ кишининг сув шуъласи (сароби)ни кўриб алдангани кабидир.

* * *

Бошингизга мушкул иш ва ташвиш тушганда мунис бўлиб, одамларга меҳр-муҳаббатлироқ бўласиз, аммо давлату неъматларга эришганингизда бағритошликка мойил бўласиз.

* * *

Аввал қилиб келган хайрлигу эзгуликларингизга кейин ҳам (яъни доимо) эзгулик қўшаверинг, чунончи қушнинг қанотидаги кичик патлари катта патларига мададкордир.

* * *

Ўз биродарингни янчилган мушкдан кўра ҳам хушбўй сўзлар билан мақтаб ёд эт, гарчанд у сендан узоқ шаҳарда бўлса ҳам.

* * *

Фисқу фасод қилувчилар ва фожирлар кўлайса, Аллоҳ таоло вабо юборади.

* * *

Ният қилинган ишлар пишмаган гўшт мисоли, бинобарин, ҳар қандай ишни комил нияту қаттиқ ихлос билан қилиш лозим.

* * *

Ҳар қандай ишни бошлашдан аввал Аллоҳнинг ризолигини ўйла, акс ҳолда қилган ишларингнинг ҳаммаси беҳуда бўлиб, зое кетади.

* * *

Гуноҳкор бандаларга садоқатли бирор кимса бўлмас.

Кўпчилик одамларнинг юраги уларнинг пешонасидан кўра ҳам кичикроқ бўлади.

* * *

Аҳмоқ киши бамисоли тумов киши гулнинг ҳидини сезмага-
нидек ҳикмат лаззатини билмайди.

* * *

Огоҳ бўлингизки, саховатли ва ҳурматли, вафодор одамлар-
ни йўқотиш эр кишига ўлимдан кўра ҳам оғирроқдир.

* * *

Агар ёмон йўлдошга эргашсанг, унинг оғуси билан заҳарла-
насан. Яхшиси, унинг душманлари жумласидан бўл, шунда унинг
оғусию заҳматидан қутуласан.

* * *

Аллоҳ таолонинг наздида бандага яқин бўлган қийинчилик-
дан икки енгиллик бор, лекин бу қийинчиликка тушган кимсага
икки Наср юлдузи улардан ҳам яқинроқдир.

* * *

Аллоҳ таоло сувда кемаларни мусаххар қилди (ўз итоатига
олди) ва яна фалакларни осмону фалакда юритди.

* * *

Тўғри ва ҳақ йўлдан юрган кишининг юриши арслон юриши-
дан кўра ҳам ҳайбаглироқдир.

* * *

Ҳалол-покиза киши доимо хотиржаму тинчликдадир, биров-
га хиёнат ва ёмонлик қиладиган киши эса нотинчлигу ҳалокатга
гирифтордир.

* * *

Агар бўҳтон (ёлғон)чи ғудурлаганда сен ҳаммадан кўра ҳам
кўп эшитувчисан, ҳақ гап сўйланса сен гўё эшитмагандай бўла-
сан.

* * *

Ўз биродаринг сўзини сукут сақлаб тингла. Гарчи уни эшитишга рағбатинг ва майлинг бўлмаса ҳам унинг ҳурматини ўрнига қўй.

* * *

Низо қилиш ҳақида сенга маслаҳат берсалар-да, тажрибадан ўтиб синалган киши билан низо, баҳс ва мунозара қилишдан сақлан.

* * *

Арслон болаларининг онаси болалари оз бўлган онадир, от болаларининг онаси эса болалари кўп бўлган онадир.

* * *

Одамнинг сиртию ботини (ичи) тўғри, саломат ва тузук бўлса, унинг зоҳири (ташқариси) ҳам сахий ва соғлом бўлур.

* * *

Агар тилингнинг ортиқча сўзлашига йўл берсанг, унда жиловинг тизгинини шайтонга топширган бўласан.

* * *

Одамлар ичидаги энг ярамаси хасисидир, энг ялқови эса пасткашидир.

* * *

Пора фақат ноҳақлигу золимларга ёрдам бергувчидир.

* * *

Сизлар бир-бирингиз билан дўстсиз ва яна бир-бирингизга азизсиз, ваҳоланки, бу ҳол бошингизга бирон-бир хасталик, очлик ва бошқа баъзи мусибатлар тушмаган пайтдагина бўлади.

* * *

Эй, ҳийласию тадбир ва фикр-мулоҳазаси кучли киши, йиққан мол-дунёинг хотининг (иккинчи) эри учун тўплангандир.

* * *

Агар иффат ва виқор соҳибларидан бўлмасанг, хору зорлик, таҳқиру тубанликка мудом гирифторсан.

* * *

Сиймонг гўзаллиги ва юзинг чиройи ойнинг тулуъ (чиқиши) кечасидан бир белги каби дилу кўнгилларга шодлик бахш этар.

* * *

Қайсики молу мулкнинг закоти бажо келтирилса (берилса), унинг хайру баракати кўп бўлади.

* * *

Кўпчилик одамлар ҳақиқатдан йироқдир, уларнинг талаб ва даъволари ёлғону бўҳтон (ботил)дир, яъни айтган сўзларию ишлари ўзларига мувофиқдир.

* * *

Одамларнинг энг азиз ва ҳурматлилари ҳасрату ташвишли дамларда билинур, гўёки, ташвишлар улар (ҳурматли кишилар) учун туғишган опа-сингилдек яқиндир.

* * *

Ёмон фикр соҳиблари ҳам, куфр неъмат қилувчилар ҳам ёввойи қобонлар мисоли Аллоҳ таолонинг мағфиратидан йироқдирлар.

* * *

Устингга кексалик кийими ташланган бўлса ҳам бироқ сен узоқ умр кўриш ҳирсида (таъмасида) янги-янги кийимлар киймоқдасан.

* * *

Ёмғир сероб ёққан сувли ерга экиладиган уруғлик бўлма, чунончи бу ҳол хазинада турган буғдой мисолидир.

* * *

Этимод (суяниш)ни истаган кимса фақат Аллоҳ таолога этимод этсин, акс ҳолда ҳалок бўлувчилар каби ҳалокатга учрайди.

* * *

Низо ва нифоқ мавжуд жойда нохушлик бўлур, қайғу-ҳасрат, фақирликка олиб келур.

* * *

Савдогарнинг шуҳрати ва обрў-эътибори киссасида, олимнинг шуҳратию обрў-эътибори ёзган китобларида (асарларида).

* * *

Ўзингга мерос қолдириладиган мол-мулкдан узоқда бўл, чунки у мол-мулкнинг гуноҳию барча машаққатлари сенга келади.

* * *

Котибнинг ёзув хати билан қоралаш (ёзиш) гўзал қизнинг яноғида бўлган гулдан гўзалроқдир.

* * *

Сен залолат тўлқинига ўзингни уриб сузсанг, сени фақат кўп тоат-ибодату тасбеҳлар қутқазур.

* * *

Гўштан ҳаддан ортиқ даражада тановвул қилдики, ҳатто ичиии мой босиб ёрилиб кетди (кўп овқат ейиш турли иллатларига сабабдир маъносида).

* * *

Мен рўзадорман дейсан-у, аммо ўзинг бўлса, биродаринг гўштини ейсан (ғийбат ва ёмонликлардан сўзлайсан).

* * *

Саховат ва ҳалимлик ҳотамтойга мансубдир, дин бўлса дини исломдир, илм эса Имом Аъзам Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит илмидир.

* * *

Ақлли, гофил кишининг (сукут сақлаб) жим туриши жоқил, паришон кишининг узридан афзалдир.

* * *

Мардонавор киши мағлуб бўлгани билан унинг мартабаси паст бўлмайди, машаққату ташвишга гирифтор бўлса-да, хор бўлмайди.

* * *

Момақалди роқли ёмғирнинг ёғиши, ростгўй (ҳақгўй) кишининг ваъдасига вафо қилиши мисоли ёқимлидир.

* * *

Ўтган умрингни мулоҳаза этиб тавба қилишга шошилгин, чунки ажал етса, уни кечиктириш ҳеч кимнинг қўлидан келмайди.

* * *

Ҳийлакорлик кўзи ғилайлар билан биргадир, улар доим айрилмасдирлар, ғилай кўзлар эса ҳийласиз бўлмайдилар.

* * *

Қарзи бўлмаган киши холису софдир; бир кишининг гўзал ишлари бор деб таъкидланса, бу сўз унга нисбатан камчиликдир (яъни шуҳрат Бани одам учун офатдир).

* * *

Ўз дининг ва шарафингни сақлайдиган нарсаларни қаттиқ тут (яъни ол), ўзинг учун қулайроқ, енгилроқ бўлган нарсани олма, бинобарин, машаққатига яраша савоби ҳам бўлади.

* * *

Ўзини сахий, мард ва ҳиммати баланд кўрсатиб, аслида хору зор, ҳақир ва қадри тубан бўлган одамлардан кўрқ, токи бир кун ўзларининг хасисликлари бирла онгсизликдан мард одамни тузоқларига туширгайлар.

* * *

Ноқису етишмовчилик чодир қурди, бахту иқбол унинг ҳамроҳи бўлди; илму фазилат сафарга чиқди, йўқлигу бебахтлик ён атрофдан унга итоат қилди; жоҳилу нодонлар қаерда бўлса, иқболу бахт уларга томон боққан, олиму фозиллар эса қаерда бўлса ҳам бахтсиздирлар.

* * *

Ҳайвонга яхшилик қилсанг севинади, ҳайвон севинса эгасини тепади (одам боласи ҳам мана шунга ўхшаш: агар у ташвишу машаққатдан холи қолиб, ўзини эркин сезса, фисқу фужурга ружу қўйиб, яқинларини қийнаб, азоб келтиради).

* * *

Бу дунё ибратли ишлару панд-насиҳатларга тўладир, аини вақтда кўз ёшларига ҳам сероб.

* * *

Мутақабир одамнинг давоси димоғидаги такаббурликни йўқотиш билан ва кибру ҳавога ундовчи шайтонни бурун тарновидан кеткизиш билан бўлади (бу ҳол шундайки, мутақаббир кишини ҳақорат қилиш, хўрлаш бирла бўлур, чунки шайтон унинг бурни олдида уни такаббурликка ундар ва уни (шайтонни) қувлаб чиқариш бирла бу кулфатдан қутулар ва шифо топар, башарти такаббурлиги кетмаса, унда ҳалок бўлиши муқаррар).

* * *

Қанча одамлару қавмлар борки, сизга гўё ип каби эшилиб мулозамат қиладилар, лекин улар пайт пойлаб фасод чиқаришга интиладилар, ғафлатга тушиб шундайларга сира алданмангизлар.

* * *

Сени зиёрат қилувчиларнинг неча зиёратлари борки, уларнинг зиёрати арслон товушининг даҳшатини эшитишдан ҳам оғирроқдир.

* * *

Сени кечаю кундуз зиёрат қилувчиларнинг кўпчилиги сени ҳаддан ортиқ кўкларга кўтариб мақтаб, охир-оқибат адоватга дучор қилувчилардир.

* * *

Кўпинча тил билан етказилган жароҳат қилич билан етказилган жароҳатдан оғирроқдир.

* * *

Кўп сўз-иборалар борки, одамларга улар фасоҳатли кўринса-да, Аллоҳ наздида улар номақбулдир – сўзловчини ҳам, эшитувчини ҳам мулзам қилур.

* * *

Кўп сўзлар борки, улар сени жангу жадалга солиб, ҳалокатга гирифтор қилади ёки улардан қайтарса ҳам елка чуқурингни гул каби қизарган ҳолга келтиргандан кейин қайтаради (яъни кўп машаққатлардан кейин).

* * *

Ҳийлаю риё билан йиғлаш ва овоз чиқариб номоз ўқишдан савоб ҳосил бўлмас, башарти у соф ният билан астойдил бўлмагандан кейин.

* * *

Арслоннинг ўз уясида ҳайқариб ўкириши, баъзи (мени) зиёрат қилувчиларнинг бир маротаба зиёратидан енгил ва ёқимлироқдир.

* * *

Еру заминнинг кўркемлиги олимлар билан бўлса, осмону фалакнинг зийнати эса юлдузлар биландир.

* * *

Ҳаёт вақтингда берган инъом-эҳсонларинг, гарчи уларни туки йўқ (туллак) бўрига берган бўлсанг-да, зое кетмас, қиёмат кунида буларнинг ажри сенга бўлур.

* * *

Бир одам бехосдан хасиснинг таомидан тановул қилса, у (хасис) юрак оғриғига мубтало бўлур. Башарти, у касални бирор фақир киши келиб зиёрат қилса, хавфидан бош оғриғи пайдо бўлур.

* * *

Ўзингга зарур бўлган ҳар қандай керак нарсани сотиб ол – бу эркак кишининг мурувватини, қудратини, эрлигини кўрсатади. Чунки ўша нарсани бировдан сўрасанг, у сен сўрагани эмас, бошқасини беради (инсоннинг табиати шундай), сотиб олганингда эса ўзингга кераклисини танлаб оласан.

* * *

Сув йўллари ирмоқлари билан бўлгани каби шариатнинг тўғри қонун-қоидалари Пайғамбар алайҳиссалом таълимотлари биландир.

* * *

Таомга ортиқ даражада ҳирс қўйишлик худбинуну пасткаш кишиларнинг ахлоқларидандир.

* * *

Олижаноб ва шариф киши шундай кишики, у ҳозир бўлмайдойиб бўлганида, унинг суҳбатини хоҳлаб, мулоқотини орзу қиларлар, башарти у (суҳбатга) келиб қолса, унинг ҳайбатидан сергакланиб ҳушёр тортарлар.

* * *

Қуёш нурларини беркитиб бўлмаганидек, ҳақиқатнинг чирогини ҳам сўндириб бўлмас.

* * *

Саҳбон ўғли Ажлоннинг оғзидан чиққан фасоҳатли сўзларининг ўзи бир хулқу табиатдирки, у буларни отаси (Саҳбон)дан олган.

* * *

Сенга эзгулик кўрсатган кимсага эзгулик қилгин, чунончи Жавзо юлдузи ботгандан кейин Шиъара юлдузининг порлаши гўзалдир.

* * *

Ислом динида икки «шин» ҳарфлари катта айблардандир, бири – ҳоқимларга – ришват (пора) бериш ҳам, олиш ҳам, иккинчиси айблиларга шафоат қилиш. Гап шуки, Пайғамбар алайҳиссаломдан: «Лаъна Аллоҳу ар-роший ва-л-мурташий», яъни «ришват (пора) олувчига ҳам, берувчига ҳам Аллоҳ таолонинг лаънаги бўлсин», деган ҳадиси шариф содир бўлгандир.

* * *

Қиморбозлар ой нуруни ғанимат билиб қимор ўйнасалар, тунлари қиссаю ҳикоятлар тингловчилар эса бедорликка парво қилмайдилар.

* * *

Ёзилган китоб нусхасининг тўғрилиги кўз қорачиғининг боққанига боғлиқдир, ривоятнинг инобатлиси (ишончлиси) эса чашма сувдан ҳам ортиқроқ қондиради.

* * *

Баланд тоғларга кўтарилиб ва пастликларга тушиб сафар қилиш уйда, деворлар ичида, машаққатлар орасида оч ўтиришдан авло (хайрли)дир.

* * *

Ўз вақтидан кечикиб берилган инъом эҳсон маҳкам тортилган занжир мисоли қаттиқ бўғувчидир.

* * *

Ҳунарманду косиблар кўп, бироқ моҳиру қобилиятлилари оздир (яъни, уста кўпу, устаси оздир).

* * *

Икки нарса бир дарахтнинг бутогидир, яъни, иккаласи ҳам бир хилдир: бирор нарса сўраганга (тилаганга) берсаю аммо кейин уни миннат қилса, иккинчиси, ўзининг инъом-эҳсонини аяб, хасислик қилса, чунончи, Аллоҳ таоло наздида миннат билан бир нарса бериш ва хасислик қилиб бермаслик қабоҳатда баробар ҳисобланади.

* * *

Зиммангда фарз бўлган нарсани қарз ва бурч ўрнига қўй. Бу ҳол қалбингу дилиннга роҳат бахш этиб, шону шарафинг ва обрўйингни сақлаш учун энг тўғри йўлдир.

* * *

Олам узра шундай юргинки, то бутун оламнинг елкасига оёқ қўйгандек бўл. Шунда жами маҳлуқотдан (борлиқдан) устун бўлурсан.

* * *

Аллоҳ таоло ато қилган турли неъматларнинг лаззати қудрат ҳолвасидан тотлироқдир. Аммо миннат қилганда у заққум (жаҳаннам дарахти) мевасининг таъмидан ҳам аччиқроқ.

* * *

Ўзи сазовор бўлмаган ҳамду саною мақтовларни талаб қилиш уятсиз, телба одамларнинг одатларидандир.

* * *

Тавба қилган киши умрининг ниҳояси умрининг боши каби-дир (яъни, онадан туғилган кундаги каби гуноҳсиздир), унинг ишлари Аллоҳ таоло наздида айбли бўлмайди.

* * *

Мисвоклар (тиш тозалагичлар) билан оғзингни тозаладинг, кошки энди бундан кейин сен оғзингни (тилингни) бўҳтон, ёлғон, гийбат сўзларни айтиш билан булғамасанг.

* * *

Менинг кўзим фақат сизнинг яқин бўлишингиздан қарор ва тинчлик топадир, чунки ошиқ ва муҳиб ўз маъшуқасига яқин бўлмаса роҳат олиб шодланмайди.

* * *

Сотиб олган нарсангда алданиб, молиявий зиён-зарар кўрувинг сен бундан келгусида кўрадиган зиёнларингдан анча енгилроқ ва осонроқдир.

* * *

Уруғликни ҳам, пўчоқни ҳам, нияту орзуларни ҳам, муҳаббат у фироқни ҳам яратувчи Аллоҳ таолодир.

* * *

От учун ҳар доим қамчи лозимдир, гарчанд у шамолдек елиб югурадиган тулпор бўлса ҳам.

* * *

Дехқончилик қилиб зироат экиш фойдаю хайр барака бирла муштаракдир, ўз халқини беҳад кўп хайр-баракага буркайдир.

* * *

Еру заминда ўзини инсон (одам) ҳисоблаб юрган одамлар (нос), одам сифатли олчоқлар (нувайс) бордир. Шу одамлар жумласидан ҳазрат Товус (Муҳаммад пайғамбар алайҳиссаломнинг машҳур издошларидан Абу Абдурахмон ибн Кисонинг лақаби шундай бўлиб, у ўз фазли камолоти ва муруввати билан машҳур зот эди) ва Тувайс (Мадинаи мунавварада яшаган, ярамас одатлари ва шумлиги билан машҳур бўлган бир кимса) ҳам бордир.

* * *

Ярамас ва хасис кишининг эшигини тақиллатишда сахий ва муътабар кишининг озиқ тишини суғуриш билан баробар ранжу изза бордир. Яъни, сахий киши иши тушиб заруратдан хасис одамнинг эшигини қоқса, у буни ўзининг озиқ тишини суғуртиргандек озору азият чекан ҳолда қилади.

* * *

Бу дунёда мол мулкни ўз зиммангга ва бўйнингга олишликда оғир ва маъсулиятли бурчлар бор (яъни, ўзгаларнинг шон-ша-рафлари билан боғлиқ ишларини гарданингга олишда уйлаб иш тут маъносида).

* * *

Аллоҳ таолодан астойдил ихлос билан ўтиниб сўраган кимсанинг илтижоси сира ноумид қолмайди.

* * *

Ақл-идрок ва шариатга амал қилиб иш тутган банда осий ва иккинчи даражали мақсаду матлабларга етиши муқаррардир.

* * *

Гоҳо жоҳил киши ақл-идрокли кишининг суҳбатида бўлур, ундан бошқаларга зарар келмас, Фароқид юлдузи билан Суҳа юлдузи ҳам ёнма-ён бўлгани каби (яъни, Суҳа юлдузининг кучи оз бўлсада, шимол тарафдан Фароқид юлдузларининг яқинлашуви билан уларнинг нурлари заифлашмайди ҳам, камаймайди ҳам).

* * *

Кўпинча ёки баъзан Ҳасан Ал-Басрийга ўхшаш буюкларни, Ҳажжож золимга ўхшашлар туғадилар, гўё шўр денгиз сувидан дур маржонлар чиққани каби.

* * *

Баъзида икки ярамасдан Ҳасан мисоли гўзал бир ўғлон дунёга келади, чунончи қон билан этнинг орасидан сут чиқади.

* * *

Илми – ирфони ва ақл-фаросати билан машҳур бўлган Абдулмалик ибн Қарийб Ҳорун ар-Рашидга ўз заковатли қалби ва кенг фикрмулоҳазаси билан яқинлашди. Бу яқинлашув унинг Асми қабиласиданлиги ва шариф насабли эканлигидан бўлмай, илми туфайлидир, акс ҳолда Ҳорун ар-Рашид унга бармоғи билан-да ишора қилмасди.

* * *

Шод-хуррамлик ва ярамаслик эзгулик ва ёвузликка қиёс қилинди, яъни шод-хуррамлик эзгуликка, ярамаслик ёвузлигига қайғу-ҳасратга муқорин (баробар) бўлди.

* * *

Ривоятларга кўра, Зиёд ўғилларини комил инсонлар дейдилар. Унинг етти фарзандининг ҳар бири шоирларнинг энг пешвоси бўлиб, балоғат ва фасоҳатда етук эдилар. Бироқ улардан кўра ҳам илму шарифни юқори мартабага кўтарувчи шундай олимлар борки, улар илмларига амал қилиб, шариат аҳкомларини – қонун-қоидаларини юқори кўтарувчилардир.

* * *

Ўтган замонларда илму фазилат соҳиблари подшоҳларидан ўз оғирликларига баробар олтин ҳадя олардилар, аста-секин замонлар ўтиши билан уларнинг қийматлари камайиб, итлару олмагонлар (қармоқлар) улардан афзал бўлиб қолди, яъни, нодонлар олимлардан ортиқ кўриладиган бўлиб қолди.

* * *

Мард ва карим киши ҳатто ёмғирнинг булутини юқори кўтарди ва уни кечиктириш учун ўз яшинини сира ҳам аямайди (доимо мардонавор ишлар қилади).

* * *

Сенга ибрат бўлиш учун фалоннинг баланд даражага эришиб, охир-оқибатда молининг мусодара бўлуви, яъни, барча мол-дунёсининг байт ул-молга олиниши, ўзининг вазир бўлганидан кейин асирга олиниши, бирор айб туфайли ҳибсхонага тушиши кабилар етарлидир.

* * *

Ҳар бир тирик кимса вақти келиб вафот этади, бас шундай экан, энг яхши савоб ва солиҳ ишларни қилиш ҳар бир киши учун вожибдир.

* * *

Ҳар бир йўл-йўриқ ва мазҳаб борки, очик-ойдин исботу далил билан ҳам тўғри бўлмайди, чунончи ўша мазҳаб ва йўлнинг ўзи тўғри эмас (эгри)дир.

* * *

Баъзан яқин кишинг – оға-ининг сенга гўё соқчи ва назоратчи каби бўлиб ўлимингни, яқин вақтда сенинг қабрга қўйилишингни истарлар: боланг: «Мол-дунё менга мерос қолади», – дейди; туғишган оға-ининг эса ўғлинг борлиги учун меросдан маҳрум бўлгани сабабидан сен учун астойдил жон куйдирмайди. Хулласи калом, сен ғафлатда бўлма, ҳеч бир қариндош уруғдан ва яқинлардан фойда йўқ, ўғлинг юрагинг бўлаги бўлатуриб, сенинг тезроқ ўлишингни кутиб, меросга эгалик қилиш орзусида бўлгандан кейин бошқалардан не умид бўлгай?

* * *

Ҳар бир вазир қайчи мисолидир (агар қайчининг бир таянч томони бўлмаса иккинчи томони ҳеч нарсага қодир бўлмайди), чунончи Мусо пайғамбар вазири Ҳорун билан мукамал бўлган.

* * *

Неча оқсоқ одамларни кўрдимки, илм-фазилат бобида юқори поғоналар (даражалар)га кўтарилганлар, шунингдек, қанчадан-қанча соғлом оёқчиларни ҳам кўрдимки, хайр-эҳсон йўлида бирор қадам ҳам босмаганлар (бу ўринда аз-Замахшарий ўзининг оқсоқлигига ҳам ишора қилаётир).

* * *

Ўлим қанчадан-қанча такаббур одамлар бошларини чуқурга, яъни қабрга улоқтирган.

* * *

Муздалифа кечаси Арафа куни мисоли (ёруғ) бўла олмагани каби (оддий) билимдон билан илм-фанга кўп аралашиб, тадқиқот олиб борган олим орасида қанчалик катта фарқ бор.

* * *

Одам болаларининг елкаларида туяларнинг меҳнатлари бордур, яъни, ўзингизга қийинчилик келтирмасдан эриша оладиган мақсадларингизга туялар ёрдами билан эришиш мумкин.

* * *

Замона сен билан қанчадан-қанча ишларни бетўхтов содир қилмоқда, чунончи бир иш тугаса иккинчиси бошланиб туради – гўё наҳву сарф қоидасидаги Зайд Амрга алоқадор мисоллар кўплаб келтирилганидек.

* * *

Қанча марта қирғин-барот, қонли жангу жадаллар пайтида ҳалокатлар бўлади, қанча марталаб усти юпуну яланғоч кимсалар шиддатли жанг пайтларида ҳаддан ортиқ ҳолда ўз қалбларини очарлар; яъни, жангу жадал пайтида асли марди майдонлар ўзини ҳатто қурбон қилади, кўп вақтлар қурол-яроқсиз, кийим-кечаксиз мардонавор кишилар якдиллик кўрсатадилар.

* * *

Доим суҳбатингда (ёнингда) Қуръони Карим бўлсин, бироқ, мажлисингдаги суҳбатдошингга (оддий) бир тенгқур сифатида бўлма (бир-бирингга илм-маърифатда ўзаро фойдали бўл маъносида).

* * *

Такаббурликни қанчалик хурсандлигу шодликка томон айлантиришга уринсанг ҳам асли лой бўлгандан кейин фаххар (куллол) сингари яна тупроққа (лой) ишларига қайтиши муқаррар.

* * *

Аллоҳ йўлида фидойи, ҳақиқий мўмин-мусулмон, аҳду паймон, эътиқоду иймонда Аллоҳга собитқадам бўлинглар.

* * *

Ёмон, хасис киши ҳар бир тилда лаънатланади (Саломат эшитади, сахий, қўли очиқ, ҳимматли киши ҳар жойда иззату икромдан бўлади).

* * *

Соқол фақат бўйин билан бирга бўлган ҳолдагина инсонга зийнатдир, узун соқол қўювчи аҳмоқ бўлади, чунки бунга ўтмишдан мисоллар кўп.

* * *

Олижаноб ва ҳимматли одамнинг гўштини ҳасад аҳли ейди, гўё қурт-қумурсқалар арслон боласини егани мисоли.

* * *

Бир лаҳзалик идрок билан мушкул ишлар тўғри бўлур, бош бармоқ калта бўлишига қарамай бутун қўлни боғлаб туради.

* * *

Одамлар орасида фикр-мулоҳазалиси қолмади, фақат Даҳҳок ва Вадак сингари ярамас, ёмонлари қолди (Даҳҳок ва Вадак ўз фитнасию ёмонликлари билан машҳур бўлган подшоҳлардир).

* * *

(Ҳар доим) бировга итоб (айблов) қўювчи ҳеч вақт саййид бўла олмайди (яъни юқори даражага эриша олмайди), қатрон (смола) қора бўлиб, унинг оқарув эҳтимоли йўқ бўлгани каби.

* * *

Сенинг зиммангда банда ёки Аллоҳ таоло олдидаги бурчлардан бир динор (лик)дан ортиқ бурчинг бўлмаса, ул олтининг сени олов (ўт) ҳандақига ташланмаслигингга кафил бўла олмайди.

* * *

Кечалар (тунлар) сенинг яқинларингу хешларингга мангу қолдилар, уларнинг сенга мангу қолишлари тўғрисида гумон ҳам қилганмидинг?

* * *

Кўп, ортиқча сўз эшитувчини ранжитади.

* * *

Фосиқларга чин дўсту ўртоқ йўқдир, уларга фақат қайнаб турган лагандаги ичиб бўлмайдиган қайноқ сувдан бошқа дўст йўқдир.

* * *

Насиҳат этувчи сўз таъсиридан сени ким чалғитди. Ваҳоланки, у насиҳатчи сенинг азоб-уқубатлардан халос бўлишингга сабабчи эди.

* * *

Қабоҳатли сурат, чиркин юзнинг ва ёмон чеҳранинг орқасида ярамас хулқдан бошқа нарса йўқдир.

* * *

Саъй-ҳаракат ва ижтиҳод табиий ва одатий бўлиб, афсуски, бу саъй-ҳаракат одамларда жуда нодирдир.

* * *

Мусулмон кишига Мусайлама сифатли бўлиш сира ярашмайди (Мусайлама ғоятда фирибгар ва макрли кимсаки, ҳатто нубувват (пайғамбарлик)ни ҳам даъво қилиб, баъзи «кароматлар» кўрсатган эди).

* * *

Туну кунни ўтказаман-у, лекин бугунги куним кечаги кунимдан яхшироқ бўлмаётир. Чунки замона кундан-кунга ҳалокатга томон бормоқда. Шундай экан, кечаги кун бугунгидан афзалроқ, бугунги эса эртангидан яхшироқдир.

* * *

Тақводору мўмин кишилар соя-салқин жойларда, курсию тахтларда бўлурлар, мужриму гуноҳкорлар эса залолат ва азобу оловда бўладилар.

* * *

Ғам-ғусса ва шодликнинг аломатлари шундайдир: ғам-қайғу йиғлатур, шоллик кулдурур – бу белгилар манглай (юз-пешона)дан маълум бўлур.

* * *

Кўз ўз соҳиби (эгаси)нинг қалбида нима борлигини ифода этар: муҳаббатдан нима, нафратдан нима борлигини кўз сўзлайди, оғиз эса сукут сақлайди, барибир юракда нима кечаётганини очиқ-ойдин зоҳир кўрасан!

* * *

Маъсият (гуноҳ)нинг тирноқлари надомату ўкинч билан кесилур, тоат-ибодатнинг қанотларига мудом ижтиҳод билан эришилур.

* * *

Эр киши гоҳ олға босар, гоҳ орқага чекинар, Машриқдан чиқиб Мағрибга ботадиган тонг ва оқшом юлдузлари (ан-Навъ) ҳам гоҳ ёмғир ёғдириб, гоҳ уни тўхтатади-ку!

* * *

Кимки адовату хусуматни экса, албатта, у ташвишу машаққат ўради.

* * *

Неъматию муруввати доимий бўлган зотга итоату изм билдириш вожибдир.

* * *

Виждон азобию таънадан тўғри бўлмаган одамни (кимсани) таълим-тарбия ва қийнаш ҳам тўғрилаши амримаҳол.

* * *

Тилию дили тўғри ва ҳақгўй одамнинг хатою нуқсони кам бўлур.

* * *

Баъзан қаттиқ саяй-ҳаракаг билан меҳнат қилиб, кўп машаққатларни бошидан кечирган инсон эришган натижа ҳам самарасиз, беҳуда бўлур.

* * *

Ҳатто Дорайн (Арабистондаги бир қишлоқнинг номи) қишлоғида ўсувчи мушкнинг хушбўй ҳиди ҳам икки дунё ибодати лаззатига баробар келмайди.

* * *

Мансаб илинжида бўлган (қарам) кимсаларнинг томирлари кесилгандир, улар оладиган фармонлари эса бир-бирига зарба беришдан иборат.

* * *

Кимки Аллоҳ таолога ҳамду-санони кўп қилса, у одам машҳур шоир Саҳбондан кўра ҳам балоғатли ва фасоҳатли ҳисобланади.

* * *

Кимки денгиз тўлқинларини бошидан кечириб сафар қилмаса, турли-туман ташвишу машаққатларнинг сувидан ичмаса, у инсон (ҳақиқий) роҳату фароғатга муяссар бўла олмас.

* * *

Дини исломга калондимоғлик, беписандлик қилган одамнинг гуноҳи Убайдуллоҳ ибн Зиёд ва Язид ибн Муовия қилган гуноҳдан ҳам ортиқроқдир (Ибн Зиёд билан Язид ибн Муовия Карбалода ҳазрат Ҳусайннинг бошини кесганлар).

* * *

Ҳеч кимсанинг гўзал ҳайъати, суврати (юз-кўзию ташқи қиёфаси) унга иззат-икрому обрў-эътибор олиб келмас, аксинча, кўп ночор, камсуқум кўринишлию эски кийимдаги кимсалар ўз фазилатлари билан улар (кўркем кўринишлилар)дан устун келур.

* * *

Кимники мол-дунёси, бойлиги ўзидан узоқ бўлса, унинг аҳволи ночор (заиф) бўлиб, ҳалокатга гирифтор бўлади.

* * *

Хасталик ва муҳтожлик – булар иккаласи шундай бир балоки, ҳатто хутбон (энг тахир, аччиқ ичимликлардан ҳисобланади) ичимлигидан кўра ҳам аччиқдир.

* * *

Кимки ўз нафси балосию орзу-ҳаваси домига (исканжасига) тушиб қолса, у бешак ўзини ўзи чуқур қарига ташлагани муқаррардир.

* * *

Мард ва олижаноб кишининг энг гўзал фазилатларидан бири ўз биродарининг айбларини бекитиб, унинг барча ишларини бамисоли ўзининг ишлари ўрнида кўриб иш тутишидир.

* * *

Кимники қўлидан хайр-баракали ва пурҳикмат ишлар келмаса, унинг насаби шарифлигию улуғлиги фойда келтирмайди.

* * *

Дўстлик ва биродарлик даъвосида бўлувчиларнинг тарозиси шундай нарсаки, у шиддатли, машаққатли бир ҳол бўлиб, ҳар қандай фароғату кенгликдан холидир.

* * *

Ишончли ривоятчилар келтирган Пайғамбар алайҳиссалом ҳадиси шарифлари атиқи маъсур деб аталмиш (машҳур) қиличга нисбатан ҳам ўткир ва кескирдир.

* * *

Кимки бахт-иқболли, солиҳ кишиларнинг этагига ёпишса, у албатта муроду мақсадига эришиб, хайру барака топар.

* * *

Ўз ваъдасида турмаганда турли-туман важ-карсонлар кўрсатувчи кимса ҳеч қачон мард ва ҳимматли инсон бўлолмайди.

* * *

Тану баданнинг соғлиғи энг буюк неъматлардан биридир; яна шу ҳол (сиҳат-саломатлик) баъзан фиқ-фасодлару гуноҳ ишларга ҳам сабаб бўлади.

* * *

Баъзи бани одамлар алдамчилик ва ҳийлакорлик билан машҳур бўлган бурсақ деган йиртқич ҳайвондан ҳам кўра кўпроқ алдамчиروқдир.

* * *

Калтафаҳм ва бетавфиқ одамни фиқу фасоддан қайтарувчи нарсა йўқ. Жиловини (тизгинини) ўз ҳолига қўйиб юбориш уни янада баттар қилади.

* * *

Солиҳ амаллар қилмаган киши уруғсиз экувчига ўхшайди, чунки (вақтида) экин экканларнинг омборлари тўла бўлур, экмаганники бўш бўлур (бунинг маъноси шуки, қиёматда ҳам, бу дунёда ҳам эзгу ишлар қилганлар ажр ва савоб олар, солиҳ амали йўқ кишининг қўли бўш қолар).

Пайғамбар саҳобалари ва тобеъийларнинг (издошларининг ҳаётидан келтирилган) мисоллар гўёки асҳоб ул-каҳф (ғор эгалари) ва уларнинг тўртинчисиникига ўхшайди (тўртинчиси Қитмир исми итдир). Ҳидоятли кимсаларга эргашгани туфайли у мақтовли ит бўлиб, жаннатга мустаҳиқ (сазовор) бўлди.

* * *

Қўрқув ва мубтало бўлган киши (офтоб тиғидан пана излагани мисоли) фақат қочишдан нажот излайди.

* * *

Одамнинг умри аввалида қилган иши умрининг охиридаги ишларига ҳам далолатдир.

* * *

Узоқ умри давомида саъй-ҳаракат ва одоб-ахлоқ билан ҳаёт кечирган одам, кейин одобга томон дастлабки қадам ташлаган кимса билан баробар эмас.

* * *

Илму маърифатли одам доимо такаббурлик қилувчи нодон кимсаларнинг бурнини тўзон-тупроққа тўлдирур.

* * *

Кўркем ҳаётнинг ҳосил бўлиб давом этишига сабаб бўлган нарса узоқ муддат сукут сақлашни ихтиёр қилишдир.

* * *

Гўзал сифат ва хушхулқлик сийратлари беазаган кишини ҳеч қандай чиройли кийимлар кўркем қилолмас, гуноҳ ва хатолардан сақланмаган кимсанинг қалби сира айбдан фориг бўлмас.

* * *

Такаббурлик ҳеч бир кимсанинг қадр-қиймати ва улуғворлигини зиёда қилмайди, у бор-йўғи довул ичидаги шамолдан бошқа нарса эмас.

* * *

Яшил япроқлар остида етилиб пишган мевалар кўпинча оппоқ қоғозга битилган чиройли ёзувларга қараганда гўзалроқ саналади.

* * *

Мен тасаввур қила олмайман: булардан қайси бирининг машаққати кўпроқ? Денгизда кучли тўлқинлар орасида сузиб нажот излаган одамнингми? Ёки икки-учта хотини бўлиб, улар билан тинч-тотув турмуш қила олмаган эрнингми?

* * *

Сенда икки ярамас одат мавжуддир: бири, кибр ва калонди-моқлик бўлса, иккинчиси хасисликдур. Сен юрганингда такаб-бурлик билан юрасан, муҳтож киши сендан бир нарса сўраса, йўқ дейсан.

* * *

Хайру эзгуликдан бошқа инсонга кўркамлик берадиган ҳеч нарса йўқдир, афсуски одамларда хайр ва эзгулик қилиш имкони йўқдир, унинг йўли бекилгандур.

* * *

Тадбиркорликда саъй-ҳаракат кўрсатиш, тақдиру қисматларда ғолибликка етимиш демакдир.

* * *

Одамлар турли-туман бўладилар, афсуски уларнинг аксарияти нопокдирлар.

* * *

Тоғ тепасидаги улкан қоя тошларни кўчириш миннат эши-тиш юкларига нисбатан енгилроқдир.

* * *

Гарчанд узоқ умр кўрган бўлсалар-да, кўп одамлар ғўр ва тажрибасиздирлар.

* * *

Сен етмиш ёшга етган бўлсанг-да, ҳамон арслон мисоли йирт-қич ҳайвонсан, чунки мол-дунё ҳирсида мудом қўлингни (ҳар томонга) чўзасан.

* * *

Агар қалбинг улар ишқига гирифтор бўлганини сезса, хотин зоти бурнингни тупроққа ишқалайди.

* * *

Бу йўллар орасида улуғ дейиладигани йўқдир ва бир халқ-дирки, сен унга лойиқ эмассан (ўз замонасидан нолиш).

* * *

Қийинчилигу машаққатлар ҳужуми азму қарор ва эзгу ниятларни чалкаштириб, бузиб юборади.

* * *

Кимнинг ҳиммати, муруввати қанчалик кўп бўлса, шунга яраша одамлар унинг қайғусига шерик бўлар (ҳамдардлик билдирад)лар.

* * *

Ўзига бир насиҳатгўй қардош топган экан, аммо у буни шохи билан сузади деб гумон қилишига нима дейсиз?

* * *

Фақир мискинларга вожиб садақаларни бажо келтирмаган бойларга жаҳаннамда даҳшатли бир ҳандақ бордир.

* * *

Хайр-саховат ва фазилат соҳибининг фарзанди ҳурмат, шон-шарафга сазовор ва муносибдир, чунончи, дур (инжу) садафга қараганда юқори даражададур.

* * *

Аллоҳ таоло еру заминни баланд ва улуғвор тоғлар билан безаганидек дии ислонни ҳам имом Аъзам Абу Ҳанифа илмлари билан яшнатиб, баракага буркади.

* * *

Қиличга қин (ғилоф) ва йиртқич қушда ўткир тирноқ бўлиши шак-шубҳасиздир (бу ҳикмат эр кишида керакли анжомлару қатъий азму қарор бўлиши керак, деган маънони англатади).

* * *

Можаро билан кўрсатилган мурувватда хайр йўқдир, гарчанд у (хайр) челақлаб қуйган ёмғир мисоли кўп бўлса ҳам.

* * *

Ваъда берганда Урқуб (ўз ваъдасини сира бажармаслиги билан машҳур бўлган шахс) каби ўз ваъдасини бажармаса, бир ишга астойдил қасд қилса-да, чаён сингари вафосиз ва хиёнат қилувчи бўлса, ундай кишидан хайр йўқдир.

* * *

Бани одамнинг солиҳ ишлари пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатларига мувофиқ бўлмаса, у ишлар мақбул ва юқори даражада бўлмас.

* * *

Урмонларда арслонлар, боғларда илонлар бўлишининг ҳеч бир ажабланарли жойи йўқдир.

* * *

Бирор масалада фикр-мулоҳаза қила бошлаганингда зинҳор ошиқма, ҳар томонлама ўйлаб, обдон фикрлаб иш тутгин.

* * *

Ҳар бир гузал аёлни кўрганда эс-ҳушидан кетадиган Муслим ибн Валийд сингари заиф мусулмонлардан бўлма.

* * *

Вақти соати ўтгандан сўнг ижро бўладиган ваъдада ҳеч бир хайр иш бўлмас.

* * *

Ўз нафсингга асир бўлмасанг, уни ўз ҳукмингда тутасан, акс ҳолда ундан ғолиб чиқиб, ушлаб тура олмайсан.

* * *

Ҳар қандай мушкул иш ақл-идрок эгалари туфайли ислоҳ қилинур, чунончи еру осмон фақат ўз теграси қутблари атрофида айланар.

* * *

Сайр қилувчи юлдузлар фалакнинг гардишидек бемалол сайр қила олмаганлари каби халойиқ ва фуқаролар подшоҳлар даражасига эриша олмаслар.

* * *

Ҳеч ажабланарли эмаски, баъзи жоҳил кишилар баланд даражага эришиб, олим ва доно одамлар қуйида қолар, чунки баъзи вақтда Суҳайл (Канопус) юлдузи қутб жанубида бўла туриб пастга тушар, аммо Наоим юлдузи каби кичик юлдуз эса, бутун оламнинг боши устида турар.

* * *

Овланаётган ўлжа ҳайвонга арслоннинг тирноғи ботмас, қачонки у (ҳайвон) ўз уясида ётган бўлса.

* * *

Сидқидил ва сахий кимсанинг қалбидан бошқа нарсани сирларнинг сандиғи қилма, яъни ҳар бир учраган кимсани сирдош этмагин.

* * *

Улар доим гуноҳларга миниб олишдан тўхтамайдилар, гўёки улар (гуноҳлар) йўлда минадиган ҳайвонлар (уловлар)идир.

* * *

Эй одам, унутмоқлик (паришонлик) сенинг одатингдир.

* * *

Эй бўтам, тилингни ёмон сўзлардан сақла!

* * *

Бахилу хасиснинг қўли оқармас, яъни бирор нарса беришга очилмас – токи тил билан қаттиқ сўз сўзланмагунча, тоғдаги мавжуд бойликларни чиқариб бўлмас – токи лўм билан кучли зарба урилмагунча.

* * *

Эй, кибр соҳиби! Қимматбаҳо тошлардан азизроқ бўлсанг-да, ҳақиқий инсонларга лойиқ бўлган ишларни бажо келтиргин.

* * *

Эй, молу мулк толиби (талабгори), сенинг кўкрак эмувинг муддати чўзилиб кетди, бас, етарли, қачон кўкракдан ажрала-сан... Тағин бу фойда сени жаҳаннамга солмасин.

* * *

Эй дунё, ўз фарзандларингга аввалида тотли (ширин) кўрина-сан, сўнгра аччиқроқ туюласан, уларга қарашасан – охирида улардан кечиб, айриласан.

* * *

Сенга маломат билан кўп ҳолларда мудом ваъз қилдилар (сен-га кўп маломат қилдилар маъносида), буларнинг ўрнига сени гаф-латнинг давомли уйқусидан уйғотганларида маъқул бўларди.

* * *

Илмли бўлиш бир баланд тоққа чиқиш каби кўп машаққат-лидир, лекин ундан тушиш осондир, жоҳиллигу нодонлик булоғи чуқур чашма мисоли бўлса-да, бироқ у кўп қийинчилигу азоб-ларга гирифтор қилади.

* * *

Ёмон, норасо эътиқод билан қилинган эзгу иш сароб ва кул каби ҳеч қанақа фойда бермайди.

* * *

Илмли бўлиш – ўқиш, ўқитиш, ёзиш билан ҳосилу мукаммал бўладиган бир сабоқдир. Агар олим киши чиройли, хушхат ёзув-га эга бўлса, бу унинг камолатга етганидан далолатдир.

* * *

Сени касоду инкисорга учрашдан огоҳ қилувчи кишига лутф билан муомалада бўл, қўрқма, зарари йўқ, зиёни йўқ, деб юпатувчилардан узоқроқда бўл.

* * *

Эзгулик, хайрли ишларга астойдил кириш, уларни пайсалга солиб, кейин қиларман, деган ўйлардан воз кеч, шайтон йўлдан урадиган шошма-шошарлик билан эмас, тафаккур ва идрок билан иш тут.

* * *

Риё бор ҳар қандай ишда раволигу зиё йўқдир.

* * *

Ёлгончининг қасами бор (ҳақиқий) илмининг ҳам сохталигини оширади.

* * *

Дин хусусида бўладиган мусобақа (мунозара)ларда комил ишонч билан мулоҳаза қил, шунда ҳар қайси майдонда олдинда бўласан.

* * *

Бир пайт келиб замона мустаҳкамлиги билан машҳур бўлган ал-Хаварнақ номли саройни вайрон қиладики, гўёки ўргимчак уясини вайрон қилгани мисоли.

* * *

Барча ишлардан огоҳ Аллоҳ таолони ҳеч бир ишингда назарингдан қочириб унутма, ҳар бир тасарруфингда одил бўлиб, бировга зулм қилма.

* * *

Кўпинча фисқу фасод қилувчилар бир нарсани гумон қилиб, уни ҳақиқат деб ҳисоблар, қолбуки пировардида унинг нотўғри эканлиги равшан бўлар.

* * *

Тилингдан чиққан садақа (яъни панду насиҳатинг ва мавъизаю ҳасананг) баъзан қўлингдан (мол-дунёнгдан) чиққан садақангдан кўра хайрлироқдир.

* * *

Кўпинча вақтида ишлатилган ҳийлаю тадбиркорлик кучу қувватдан голиб келур.

* * *

Арслон нафақат чуқур қазиш билан овланиб қолмай, кўпинча у ҳийла билан ҳам овланади (қўлга туширилади).

* * *

Кўп вақтда зиёдалик, ортиқлик зиён келтиради. Масалан, бир қўлда олтига бармоқ бўлса бу ортиқлик бўлмай, камчилик (нуқсон) ҳисобланади.

* * *

Баъзи ҳолларда фатво истовчи киши фатво берувчи муфтийдан кўра ҳам олимроқ бўлади, чунончи «ал-латийа» калимаси гарчанд бу сўзнинг кичиклашган шакли бўлса ҳам, барибир, маъно жиҳатидан асли «ал-латий» сўзидан кўра кучлироқдир. (Бу ўринда сўз ўйини бўлиб, арабий истилоҳлар ишлатилган).

* * *

Баъзи одамлар ўз яқин қавм-қариндошларига хайру эзгулик кўрсатмай, туяқуш ўз тухумларини ташлаб, бошқалар тухумларини босиб ётгани мисоли яқин (қариндош)лиги бўлмаганларга

эҳсон қиладур. Яъни, баъзи бефаҳм одамлар борки, ўз қариндош-уруғининг ёрдамга муҳтожлигини кўратуриб унга ёрдам қилмай, беҳожат ёту бегоналарга эҳсон қилади.

* * *

Ловуллаб ёнаётган оловни сув ўчиргани каби нодон одамлардан чиқаётган алангани доною оқил одамлар сўндирарлар.



МУНДАРИЖА

Муқаддима	4
«Замахшар – туғилган юртим»	12
Ўз даврининг яғонаси	22
Ижод гултожи	28
Алломанинг ҳаётий ва илмий сабоқлари	34
<i>Шайх Муҳаммад Абу Заҳро «Аз-Замахшарий даҳоси»</i>	46
Аз-Замахшарий ватани Ўрта аср араб манбаларида	58
<i>Маҳмуд Аз-Замахшарий «Навобиг Ал-Калим» (Нозик иборалар)</i>	65

УБАЙДУЛЛА УВАТОВ
ХОРАЗМЛИК БУЮК АЛЛОМА

Муҳаррир
Абдували ҚУТБИДДИН

Мусаҳҳиҳ
Н.ЖАББОРОВА

Копьютерда саҳифаловчи
Р.ЕСАУЛЕНКО

ИБ № 41125

Босишга рухсат этилди 30.06.2006. Бичими 84x108 1/32.
Босма тобоғи 3,25. Шартли босма тобоғи 5,25.
Адади 3000. Буюртма № 20
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» нашрий-матбаа марказида тайёрланди.
700113. Тошкент. Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

«Star-Poligraf» ХФ босмахонасида босилди.
Тошкент, Беруний кўчаси, 1-298